

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

СамИСИ ўқув услубий  
кенгашида муҳокама этилган  
ЎУК раиси \_\_\_\_\_ К.Ж.Мирзаев  
Баённома № \_\_\_\_\_ 2019 йил  
“ ” \_\_\_\_\_

---

**“КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ”  
фанидан амалий дарсларни ўтиш учун ўқув услубий  
М А Ж М У А**

---

---

Билим соҳаси: 200 000 - Ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва хуқуқ  
Таълим соҳаси: 230 000 - Иқтисодиёт  
Таълим йўналиши: 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**“Иқтисодиёт” кафедраси асистенти  
Рахимов З.К.**

**САМАРҚАНД 2019**

**1-мавзу:“Корхона иқтисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифалари**

**«Корхона иқтисодиёти»**

Аҳоли ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий-хўжалик механизмларини ўрганувчи ва очиб берувчи фандир.

У табиат ва жамиятнинг муайян ишлаб чиқариш шароитларида ривожланишининг объектив қонунлари намоён билиши ва амал қилишига, шунингдек, корхоналар фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи давлат миқёсида қабул қилинувчи қоида, норматив ва қонун ҳужжатларига таянади.

**1. Қуйидаги тушунчаларга изоҳ беринг.**

Иқтисодиёт	Иқтисод	Миллий иқтисодиёт

**2. Иқтисодий фанлар тизимининг ҳар бир групхига оид фанларни ёзинг ва “Корхона иқтисодиёти” фанининг бу фанлар билан боғлиқлигини ёритинг.**

Умумиқтисодий фанлар	Махсус фундаментал иқтисодий фанлар	Тармоқ иқтисодий фанлари	Тармоқлараро иқтисодий фанлар

**1. Корхоналарнинг янги бозор муносабатлари шароитидаги хусусиятлари:**

- а) тўлиқ мустақиллик, бозор шароитида фойдали фаолият ва маҳсулот ишлаб чиқариш; корхона эгаларининг мулкий жавобгарлиги;
- б) тўлиқ мустақиллик;
- в) бозор шароитида фойдали фаолият ва маҳсулот ишлаб чиқариш;
- г) корхона эгаларининг мулкий жавобгарлиги;

**2. Корхоналарнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдаги хусусиятлари:**

- а) маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;
- б) давлат бюджетидан дотация ҳисобига зарарни қоплаш;
- в) юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект.
- г) маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари

**3. Корхоналарнинг маъмурий- буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдаги хусусиятлари:**

- а) юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект
- б) маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;
- в) давлат бюджетидан дотация ҳисобига зарарни қоплаш;
- г) а, б, в.

**4. Куйидагиларнинг қайсиси бозор иқтисодиётини вужудга келтиришда асосий шарт ҳисобланади:**

- а) сотувчиларнинг кўплиги.
- б) нарх;
- в) ижтимоий меҳнат таксимоти;
- г) талаб ва таклиф;

**5. Куйидаги қайси тавсиф бозор иқтисодиётига хос эмас?**

- а) марказий режалаштириш;
- б) ракобат;
- в) хусусий мулк;
- г) тадбиркорлик танлови эркинлаги.

**6. Куйидагиларнинг қайси бири бозор иқтисодиётининг ижобий жиҳатларига кирмайди:**

- а) илмий-техник тараккиётнинг ривожланиши;
- б) чекланган ресурслардан фойдаланишнинг окилона усулларини аниqlаш;

в) ижтимоий муаммоларни етарли даражада хал эта олмаслиги;  
г) иқтисодий эркинлик.

**7. Товар хизматлар бозори мувозанатда булади, качонки...**

- а) технология даражаси аста секин узгарса;
- б) талаб таклифга тенг булса;
- в) таклиф ҳажми талаб ҳажмига тенг булса;
- г) харажатлар ва фойда тенг булса.

**8. Иқтисодий муаммоларнинг бир қисми бозор ва бир қисми хукумат томонидан ҳал этилса, бу иқтисодиёт қўйидагича номланади:**

- а) натурал;
- б) бозор;
- в) аралаш;
- г) буйруқбозлик

**9. Ишлаб чиқариш омилларининг нархи — бу:**

- а) давлат томонидан тартибланади;
- б) мулк эгалари томонидан белгиланади;
- в) омиллар учун тўлов;
- г) харидор аниқлайди.

**10. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётининг таназзули:**

- а) давлатнинг пул-кредит сиёсати;
- б) бозор муносабатларнинг шаклланши;
- в) малакалар ва таълим даражалари ўртасидаги фарклар.
- г) таълим даражалари ўртасидаги фарклар

## **2-мавзу: Корхона – мустақил хўжалик юритувчи бозор субъекти**

Ўзбекистонда кўплаб кичик ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини – оғир саноатдан енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади.

Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самардорлигининг пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар ҳам бундан мустасно эмас.

### **2.1.-мавзу. Корхонанинг миллий иқисодиётдаги роли ва ривожланиши**

Замонавий корхона - мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклари режали иқтисодиёт шароитларидагидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар *мулкчилик шаклига* кўра, давлат ва нодавлат, *тармоқ белгиларига* кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, қурилиш комплекси, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва ҳоказолар, *ишилаб чиқарии миқёси ва ходимлар сонига* кўра, йириқ, микрофирма ва кичик, *фаолият юритиши муддатига* кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинади.

**1-топшириқ. Корхоналарнинг давлат учун иқтисодий аҳамияти нимадан иборат?**

---

---

---

---

**2-топшириқ. Корхоналарнинг кўпайиши миллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?**

---

---

---

---

**3-топшириқ. Жаҳон тажрибаларидан корхоналарнинг давлат иқтисодиётига келтирган зарар ва ижобий жиҳатларини келтиринг!**

---

---

---

---

## **2.2.-мавзу. Ишлаб чиқариш корхонаси белгилари ва тузилмаси**

**Корхонани турли белгиларига қўра тавсифлаш мумкин:**

- *ишлаб-чиқарии ва техника муносабатларида корхона* – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;
- *ижтимоий муносабатларда корхона* – бу, турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- *ташиклий-ҳуқуқий муносабатларда корхона* ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;
- *молиявий-иктисодий муносабатларда корхона* – бу, тармоқнинг мустақил бўгини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

**1-топшириқ. Қўйида келтирилган обьектларнинг қайси бирлари юридик шахс мақомига эга?**

Объектлар	Жавоб
1.Корхона	
2.Ишлаб чиқариш корхонасининг	

фирма дўкони	
3. Цехлар	
4. Участкалар	
5. Корхона бўлимлари	

**2-топшириқ.** Қуида келтирилган субъектларнинг қайси бирлари тижорат ташкилотлари ҳисобланади?

Субъектлар	Жавоб
1.Масъулияти чекланган жамият	
2. Кўшимча масъулиятли жамият	
3. Акционерлик жамияти	
4. Очиқ акционерлик жамияти	
5. Ёпиқ акционерлик жамияти	
6. Ишлаб чиқариш кооперативи	
7. Унитар корхона	
8. Матлубот кооперативи	
9. Жамият бирлашмалари	

## ТЕСТ

**1.Корхона – бу:**

- а) давлатнинг мулкий комплекси
- б) мустақил хужалик юритувчи бозор субъекти
- в) тадбиркорлик ва бизнес соҳасидаги субъекти
- г) маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сотиш шакли

**2. Корхонанинг асосий вазифаси:**

- а) бозор шароитларида хизматлар кўратиши;
- б) бозор талабларга жавоб берувчи сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- в) корхона мулки эгалари манфаатларини қондириш мақсадида фойда олишга йўналтирилган хўжалик фаолияти;
- г) маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши.

**3. Корхонанинг юридик шахс мақомига эга эканлиги қайси хужжатда белгилаб берилган?**

- а) солиқ кодексида
- б) фуқаролик кодексининг і бўлимида
- в) фуқаролик кодексининг ії бўлимида
- г) Ўзбекистон Республикасининг конституциясида

**4. Корхонанинг тижорат ҳисобида ишлашини белгиловчи асосий мезон нима?**

- а) асосий мақсади — маҳсулот ишлаб чиқариш
- б) асосий мақсади — харажатларни пасайтишиш
- в) асосий мақсади — фойда олиш
- г) асосий мақсади — истеъмолчиларнинг талабини қондириш орқали фойда олиш.

**5. Қуида келтирилган обьектларнинг қайси бирлари юридик шахс мақомига эга?**

- а) корхона бўлимлари
- б) цехлар
- в) корхона

г) корхонанинг дўкони

**6. Қўйида келтирилган субъектларнинг қайси бирлари тижорат ташкилоти ҳисобланмайди?**

- а) масъулияти чекланган жамият
- б) қўшимча масъулиятли жамият
- в) акциядорлик жамияти
- г) очик акциядорлик жамияти
- д) ёпик акциядорлик жамияти
- е) ишлаб чиқариш кооперативи
- ё) унитар корхона
- ж) матлубот кооперативи
- з) жамият бирлашмалари
- и) ижтимоий фондлар

**7. Мулкчилик шаклига кўра корхоналар бўлади:**

- а) хусусий;
- б) давлат;
- в) аралаш.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

**8. Хўжалик юритиш шаклига кўра корхоналар бўлади:**

- а) жамоат ва диний ташкилотларнинг корхоналари;
- б) кичик, ўрта ва йирик корхона;
- в) АЖ, МЧЖ, ҚМЖ, ижара корхонаси, кооператив, ўртоқлик;
- г) индивидуал корхона.

**9. Корхоналар ҳажмига кўра неча турга бўлинади?**

- а) кичик корхоналарга;
- б) ўрта корхоналарга;
- в) йирик корхоналарга;
- г) микрофирма, кичик, йирик корхоналарга.

**10. Хорижий капиталнинг иштирокига кўра корхоналар бўлади...**

- а) хорижий;
- б) қўшма;
- в) чет эллардаги;
- г) қўшма, чет эллардаги, хорижий;

**З-мавзу: Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш**

Корхоналар фаолиятини ташкил этишдан олдин қуйидаги вазифалар белгилиб олиниши зарур:

- **корхонани ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;**
- **корхона муассисларини танлаш;**
- **таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;**
- **корхона Низом жамғармасини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;**
- **корхонанинг таъсис хужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;**
- **давлат рўйхатидан ўтиш;**

- **муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;**

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина ҳуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги хужжатлар аҳамиятга эга бўлади: муассиснинг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил қилиш хақида қарор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида маълумотнома ва бошқалар.

*Хозирги замон шароитларида давлат, жамоа, индивидуал (оиласвий, хусусий)* турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув ҳуқукига кўра хам таснифланади.

### **3.1. Ўзбекистонда янги корхонани ташкил этиш асослари**

Иқтисодётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция щамда турли ташкилий-хуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтинчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик асоциацияси каби ташкилий шакллар вақтинчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларининг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида кўрсатилишича:

- Унитар корхона - бу ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуки берилмаган тижоратчи ташкилотdir. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасdir ва унга қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас. Унитар шаклда фақат давлат ва муниципиал корхоналар тузилиши мумкин.

- Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ ширкатлар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ заарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган, ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда катнашмайдиган бир ёки бир нечта иштирокчи (хисса қўшувчи, командитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат командит ширкат ҳисобланади.

- **Фирма** - корхона тушунчасидан кенгроқ тушунчадир, яъни у маълум ном билан бизнес олиб борувчи ташкилотdir. Фирма - товар ишлаб чиқариш ва барча соҳаларда хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун фойда олиш мақсадида

ресурсларни жамлайдиган ва ундан фойдаланадиган тадбиркорлик шаклидир. Уларнинг кенгроқ учрайдиган турлари: факторинг фирмаси, лизинг фирмаси, инжиринг фирмаси, консалтинг фирмаси, венчур фирмалар ва бошқалардир.

• **Факторинг фирмаси** - бегона қарз мажбуриятларни-векселларни сотиб олиш билан шуғулланади. **Лизинг фирмаси**- лизинг тўловлари билан шуғулланади. **Инжиринг фирмаси** - маълум бир обьектларни ишлаб чиқиши, лойиҳалаш, қуриш билан шуғулланади. **Консалтинг фирмаси** - ишлаб чиқаришнинг турли томонлари, лойиҳалаш янги хўжалик шаклига ўтиш бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича маслаҳат беради. **Венчур фирмалар**- таваккал қилувчи фирма бўлиб, янги товар ва янги бозорларни қидириш мақсадида йирик компаниялар томонидан молиявий томондан таъминлади.

Корхоналар жаҳон тажрибаларига кўра куйидаги кўринишларда бирлашишлари мумкин:

• **Картел** - бир тармоқдаги корхоналарнинг бирлашиши. Картель келишувида барча қатнашчилар учун мажбурий шартлар белгиланади, яъни ишлаб чиқариш ҳажми, баҳо, квота, йирик харидорларга нисбатан позициялар. Бу ўринда корхоналар ўзлари хўжалик, молиявий ва юридик мустақилликларини сақлаб қоладилар.

• **Концерн** умумий манфаатларга эга хамда шартномалар, капитал ва қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

• **Консорциум** компания ва банкларнинг вақтинчалик бирлашуви натижасида, йирик капитал талаб қилувчи лойищаларни амалга ошириш ёки маблагни биргаликда жойлаштириш мақсадлари учун умумий келишувлар асосида юзага келади. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар щисобланади.

• **Синдикат** – тижорат фаолиятини (таъминот, сотиш, нархнинг пайдо былиши) хамкорликда ташкил қилишга асоланган бирлашмадир. Синдикат таркибида кирувчи корхоналар хуқукий хамда хўжалик юритиш мустақилликларини сақлаб қоладилар.

• **Трестлар** юқори даражада марказлашганлиги билан ажralиб туради. Унинг таркибида кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва хуқукий мустақилликларини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

**Холдинглар** иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш хамда ишлаб чиқариш қувватлари билан ваизифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

**1-топшириқ.** Қуйидаги мулк шаклидаги корхоналарга тавсиф беринг.

Давлат корхонаси	Хусусий корхона	Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона	Масъулияти чекланган жамияти

**2-топшириқ.** Ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этадиган ҳужжатларни ёзинг.

## ТЕСТ

**1. Корхонани ташкил этишнинг таъсис ҳужжатлари**

- а) корхона ва банк томонидан тасдиқланган таъсис шартномаси
- б) устав, таъсис шартномаси
- в) устав, таъсис шартномаси, эмиссия проспекти
- г) устав ва корхона паспорти

**2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш ким томонидан амалга оширилади?**

- а) солиқ ва статистика ташкилотлари орқали
- б) хокимият ва қонун чиқарувчи ташкилотлар томонидан
- в) солиқ ташкилотлари, хокимият ва молиявий ташкилотлар томонидан
- г) давлат мулкини бошқарувчи ташкилотлар

**3. Корхоналарнинг ташкил этишнинг асосий босқичлари:**

- а) таъсис ҳужжатларини тайёрлаш и рўйхатдан ўтиш;
- б) стратегияни ишлаб чиқиши, шерикларни қидириш ва танлаш;
- в) техник-иктисодий асослаш;
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

**4. Корхонани ташкил қилишнинг ташкилий босқичи нимадан бошланади?**

- а) тадбиркор ғоясининг пайдо бўлишидан
- б) корхона ташкил этиш учун бир қарорга келишдан
- в) сармоячилар розилигидан сўнг
- г) Устав капитали шакллангандан сўнг
- д) таъсисчилар мажлисидан.

**5. Корхонани ташкил этиш бўйича қарор нимада расмийлаштирилади?**

- а) Уставда
- б) таъсис шартномасида
- в) давлат реестрида
- г) баённома №1 да.
- д) тўғри жавоб йўқ.

**6. Корхона даромадларининг асосий турлари Уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?**

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

**7. Корхонанинг ҳуқуқий мақоми уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?**

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

**8. Уставни ўзгартириш тартиби уставнинг қайси бўлимида акс**

**эттирилади?**

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

**9. Фойдаланниш қоидалари уставнинг қайси бўлимида акс эттирилади?**

- а) умумий қоидалар
- б) фаолият предмети
- в) фирманинг мулки ва даромадлари
- г) мулк эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- д) корхонани бошқариш

**10. Таъсисчилар таъсис шартномасининг қайси бўлимида акс эттирилади?**

- а) умумий қоидалар
- б) фаолиятнинг асосий турлари
- в) Устав капитали
- г) таъсисчилар мажбуриятлари
- д) корхонани ташкил қилиш

### **3.2.-мавзу: Корхона фаолиятини тўхтатиши сабаблари ва уни амалга ошириш тартиби**

#### **Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш**

• ЎзР Президентининг 24.05.2006 й. ПҚ-357 ва 20.03.2007 й. ПҚ-606-сон Карорига мувофиқ

• 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилган, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

#### **Тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш тартибида давлат рўйхатига олиш**

• тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, адлия органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимларни ҳузуридан Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади;

ариза - хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

#### **Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш идоралари**

• аудиторлик ташкилотлар, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар - **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан**;

**1-топшириқ.** Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этадиган хужжатларни ёзинг.

**2-топшириқ.** Тадбиркорлик субъектлари (мулк шаклига кўра) давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис хужжатларининг қайси бирларини тақдим этувчи субъектларни кўрсатинг.

Устав ва таъсис шартномасини	Фақат Уставни	Фақат таъсис шартномасини

### ТЕСТ

#### **22. Корхонанинг банкротлиги аниқланади**

- а) молиявий коэффициентлар тизими билан
- б) корхонада мавжуд пул маблағлари ва юқори ликвидликка эга бўлган активлар йўқлиги
- в) қарзларнинг мавжудлиги билан
- г) кадрлар кўнимсизлиги ва ишлаб чиқариш пасайиши орқали

#### **23. Корхона самарали фаолият юритади, қачонки:**

- а) ресурслардан тўлиқ фойдаланилганда
- б) мажбуриятлар бўйича қарзлар йўқлиги
- в) экспорт имкониятлари юқори бўлганда
- г) Устав капиталини кўпайиши ҳисобига

#### **24. Корхонанинг ихтиёрий тугатилиши нимага таълуқли равиша амалга оширилади?**

- а) Фуқоролик кодексига
- б) корхоналарга оид қонунларга
- в) корхона фаолияти тўғри юрита олмаса
- г) мажбуриятлар корхона мулкидан юқори бўлса
- д) ҳамма жавоб тўғри

#### **25. Корхонанинг суд органлари орқали тугатилиши қачон содик бўлади?**

- а) корхона ўзини банкрот деб тан олганда
- б) қонунчилик бўзилганда
- в) қонун томонидан тақиқланган фаолият билан шуғулланганда
- г) экологик хатарсизлик нормалари бўзилганда
- д) ҳамма жавоб тўғри

#### **26. Кредиторлар талабини қондириш қанча навбатга бўлинади?**

- а) 2
- б) 3
- в) 4
- г) 5
- д) 7

#### **27. Бюджет ва нобюджет фондларга тўлов бўйича қарзлар қайси навбатда копланади?**

- а) 2
- б) 3
- в) 4

г) 5

д) 7

**28. Муросали келишувни ким имзолайди?**

- а) қарздор
- б) кредитор
- в) ташқи бошқарувчи
- г) корхона эгаси
- д) хўжалик суди

**29. Корхонани тугатишни ким амалга оширади?**

- а) банк ташкилоти
- б) давлат солиқ инспекцияси
- в) суд томонидан тайинланган вакил
- г) корхонанинг асосий таъсисчилари
- д) корхонанинг асосий акциядорлари

**30. Корхона фаолияти кимнинг қарорига асосан тўхтатилади ?**

- а) солиқ идораларини қарори билан
- б) хўжалик суди
- в) лицензия берувчи ташкилот
- г) прокуратура

**31. Давлат корхонасини ўзгартиришда акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисида қарор ким томонидан қабул қилинади?**

- а) акциядорлик жамияти муассислари — уни тўзиш тўғрисида таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар
- б) акциялаштирилаётган корхонанинг меҳнат жамоаси
- в) давлат мулкини тасарруф этишга ваколати бўлган орган
- г) ажни инвестициялашга рози бўлган юридик ва жисмоний шахслар

**32. Акциядорларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ким кафолатлади?**

- а) давлат
- б) акциядорлик жамиятини бошқариш органлари
- в) давлат мулкини тасарруф қилишга ваколатли бўлган давлат органлари
- г) хўжалик суди

**4-мавзу: Корхона фаолиятига таъсир этувчи шарт шароитлар**

Тадбиркорлик муҳити – иқтисодий ҳолатни, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни, тадбиркорлик фаолияти қай даражада ривожланганлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун чиқарилган қонун ва қарорларни, маданиятни, маънавиятни ва тадбиркорлар ўз маблағларини йўналтириш учун эътиборга оладиган ва улардан хулоса чиқарадиган бошқа омилларни ўз ичига олади.

Мамлакатда тадбиркорлик муҳити қай даражада эканлигини аниқлайдиган яна бир омил – иқтисодий тушкунлик ҳисобланади. Унинг асосий сабаби иқтисодий бўйрон бўлиб, ишлаб чиқариш суръатининг пасайишига, охир-оқибатда жамғаришнинг қисқаришига олиб келади.

**1-топшириқ. Тадбиркорлик муҳити деганда нима тушунилади?**

---

---

---

---

**2-топшириқ. Сиёсий барқарорлик нима ва унга қандай эришилади?**

---

---

---

---

**3-топшириқ. Валюта барқарорлигини тартибга солиш корхоналар учун қандай аҳамиятта эга?**

---

---

---

---

**4-топшириқ. Тадбиркорлик хавф хатарлари деганда нимани тушунасиз?**

---

---

---

---

### **5-мавзу: Корхонани бошқариш**

Саноат корхонасида ишчиларнинг умумий сони 6000 кишини ташкил қиласиди. Уларнинг 50% йиғув цехида, механика цехида 35%, қолган қисми бошқа цехларда ишлайди. Корхонанинг штат рўйхатига кўра, йигиш цехида ҳар 250 кишига бир меъёрловчи, механика цехида 100 кишига бир, таъмирлаш, тайёрлаш ва бошқа цехлар ҳар 130 кишига бир меъёрловчи ишлаш керак.

Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳатларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган.

#### **5.1. мавзу. Корхона фаолиятини бошқа-ришнинг зарурияти, мақсад ва вазифалари**

Корхонага зарур бўлган меъёрловчилар сонини ва ходимларининг 22 %га қисқартирилгандан сўнг меъёрловчиларнинг корхона бўйича сонини аниқлаш талаб қилинади:

-Корхонада 30 та цех фаолият юритади, жумладан, 6 таси – асосий ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача сони (рўйхат бўйича) – 8706 кишини ташкил этса, улардан 7412 киши ишчилардир. Корхонанинг бутун меҳнат жамоаси йиллик маош жамғармаси – 10,3 млрд. сўм. Корхонанинг бошқарув ҳаражатлари бир йилда 5,6 млн. сўмни ташкил этди.

- Мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳатларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган.

Заводнинг бошқарув ходимлари сонини, 22 фоизлик қисқартиришдан сўнг корхона бошқарув ходимлари сони қанчани ташкил этишини ва бошқарув ходимларини қисқартириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тахминан қанчага тежаб қолиш мумкинлигини аниқлаш талаб қилинади.

### ТЕСТ

#### **1. Бошқарувнинг объектив (илмий) асослари ўз аксини нимада топади?**

- а) тамойилларда
- б) усулларда
- в) амалий дастурларда
- г) назарий жиҳатларда
- д) ҳамма жавоб тўғри

#### **2. Бошқарув стили деганда нима тушинилади?**

- а) шахсий манфаатларнинг умумийларга бўйсуниши
- б) қарорлар қабул қилиш услуби ва уларни ўз қўл остидагиларга етказиш санъати
- в) бошқарувнинг ривожланган давлатлардаги прогрессив турлари ва усуллари
- г) менежментнинг асосий тамойиллари йифиндиси
- д) ҳамма жавоб тўғри

#### **3. Корхона ичida бошқаришнинг асосий буғуни бўлиб нима ҳисобланади?**

- а) ишчилар
- б) ходимлар
- в) хизматчиilar
- г) истеъмолчиilar
- д) таъминотчиilar

#### **4. Корхона ташкарисида бошқаришнинг асосий буғуни бўлиб нима ҳисобланади?**

- а) ишчилар
- б) ходимлар
- в) хизматчиilar
- г) истеъмолчиilar
- д) таъминотчиilar

#### **1. Корхона персоналини бошқариш усули ҳисобланмайди:**

- а) директив.
- б) маъмурий;
- в) иқтисодий;
- г) ижтимоий-психологик;

#### **2. Инсонларнинг хулкига таъсир этувчи омиллар:**

- а) шахснинг табиий ва психофизиологик хусусиятлари;
- б) шахсни бошқариш тизими ва унинг жамоадаги урни;
- в) манфаатлар, мотивлар ва рағбатлар тизими;
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

#### **3. Акциядорлик жамиятини бошқарув органи қандай ташкил топган?**

- а) акциядорларнинг умумий йиғилишидан;
- б) кузатув кенгashiдан;

- в) ижроия органидан;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилишидан, кузатув кенгашидан, ижроия органидан.

## **5.2. мавзу. Корхонани бошқаришнинг хусусиятлари ва ташкилий тузилмалари**

Ўзбекистонда аралаш иқтисодиётга асосланган бозор муносабатларининг шаклланиши, турли корхоналарнинг – йирик ва кичик корхоналарнинг, шунингдек, ходимлар сони кам бўлган микро фирмаларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Корхоналарнинг катта-кичиклиги (тури), табиий равища, бошқарув аппаратининг шаклланиши ва ташкилий тузилмасига сезиларли равища таъсир кўрсатади. Масалан, кичик корхоналар учун йирик корхоналарнинг бошқарув тузилмасини қўллаш ноўрин бўлади. Кичик бизнес субъектлари бошқарув аппарати тузилмасининг соддароқ ва оптимал тарзда бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Чунки, уларда йирик корхоналарга хос бўлган катта функционал бўлим ва хизматлар мавжуд бўлмайди.

**1-топшириқ. Вазифа нима ва унинг корхонани бошқаришдаги ўрни?**

---

---

---

**2-топшириқ. Ташкиллаштириш, тартибга солиш ва бошқариш тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?**

---

---

---

**3-топшириқ. Назорат, ҳисобга олиш ва таҳлил қандай аҳамиятга эга?**

---

---

---

**6-мавзу: Корхонани фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш**

Мамлакатимизни ислоҳ этишни янада чукурлаштириш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш асосида фуқароларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчили юксалтириб боришга қаратилган давлатнинг иқтисодий стратегиясида бошқарув ва унинг энг муҳим функцияси бўлган режалаштириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Режалаштириш – иқтисодиётнинг барча даражалари ва соҳаларида қонуний жараён ҳисобланади. Жамиятда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган вазифалар унда ўз аксини топади.

## **6.2.-мавзу. Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилишининг зарурияти, тамойиллари ва вазифалари**

**1-топшириқ.** “Наъмуна” акциядорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш корхонаси 20 минг аҳолини нон-булочка маҳсулотлари билан таъминлайди.

Режалаштириш йилида 1 кишининг 1 кунлик нон-булочка маҳсулотларига бўлган талаби 0,4 кг бўлиши таҳмин қилинмоқда.

Корхона Зта ФТЛ-20 русумли печ билан жиҳозланган. Печларнинг суткалик иш вақти 23 соат. Печдаги люлкалар сони 17та, ҳар бир люлькада 0,4 килограмлик 12та батон пиширилади. Пиширишга сарфланадиган вақт – 18 минут. Печларнинг тури текширув ва таъмирлашлар учун тўхтаб қолиш вақти 1 йилда 30 кун.

Корхона хизмат кўрсатаётган аҳолининг нон-булочка маҳсулотларига бўлган талабининг қондира олинаётганлигини ёки қондира олинмаётганлигини аниқланг.

**2-топшириқ.** “Нафис” акционерлик жамиятига тегишли қуидаги маълумотлар асосида маҳсулот сотиш режасининг бажарилишини таҳлил қилинг ва хуласа ёзинг

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Бизнес рејжа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Бажарилиши
A	дона	1000	1120		
Б	кг	40	28		
В	кг	220	180		
Г	дона	180	220		
Д	тонна	70	75		

### **Тест**

#### **1. Стратегия бу...**

- а) корхоналарнинг молиявий ҳужжати;
- б)корхона бизнес-режаисни танлаш;
- в) узоқ муддатли асоссий мақсадларни танлаш;
- г)корхоналарнинг ишлаб чиқариш режаларини танлаш.

#### **2.Корхона фаолиятини башорат қилиш нима?**

- а) ишлаб чиқариш режалари асосида башорат қилиш;
- б) келажакни кўзлаш;
- в) истиқболни ўйлаб башорат қилиш;
- г) ишлаб чиқариш режалари асосида келажакни башорат қилиш.

#### **3. Саноат корхонасида прогнозлаштириш нима мақсадда амалга оширилади?**

- а)узоқ муддатли муаммоларни ҳал қилиш учун
- б) режаларни такомиллаштириш учун
- в) фаолиятнинг қирраларини кўра олиш учун
- г) келгусидаги иш кўламини аниқлаш учун
- д) ҳамма жавоб тўғри

#### **4. Прогноз ҳисоб китоблари келгуси давр учун корхонага нимани беради?**

- а) келажақдаги иш кўламининг ҳажмини аниқлашнинг
- б) режаларни қўшимча асослаш имконини
- в) турли хилдаги мувофиқлаштириш жараёнларни ташкил қилишни
- г) мақсадларга эришиш йўлларини
- д) ҳамма жавоб тўғри

**5. Сотиш прогнози қайси иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади?**

- а) ишлаб чиқариш дастурини
- б) ҳарражатларини
- в) баҳоларни
- г) фойдани
- д) ҳамма жавоб тўғри

**6. Бизнес режанинг моҳиятини тушиниш учун нимани аниқ тасаввур қилиш лозим?**

- а) унинг ҳажмини
- б) унинг бўлимларини
- в) унинг аҳамиятини
- г) унинг вазифаларини
- д) унинг функцияларни

**7. Ишлаб чиқариш корхонасида бизнес режа қанча муддатга тузилади?**

- а) 6 ой
- б) 1 йил
- в) 2 йил
- г) 3 йил
- д) 5 йил

**8. Саноат корхонаси бизнес режасининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?**

- а) ишлаб чиқариш жараёнининг барча кирраларни акс эттиради
- б) товар бозорлари ёки унинг бўғинларига мўлжални қаратади
- в) фаолиятни тартибга солиб турувчи меъёрий хужжат шаклида намоён бўлади
- г) бизнес режанинг бошқа турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади
- д) ҳамма жавоб тўғри

## **6.2.-мавзу. Корхона режалари тузилмаси**

Режалаштириш корхонани бошқариш жараёни сифатида ўз технологиясига эга бўлиб, бу технология корхонанинг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларни тури, катталиги ва муддатига кўра, аниқлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаси - даромад ёки фойда олишни ўз ичига олади. Кичик корхоналарда бу вазифаларни бажариш катта корхоналарга нисбатан енгилроқ бўлсада, барча ҳолларда қуидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

- ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
- ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
- молиявий ресурслар;

- айланма маблағлар мавжудлиги ва унга бўлган эҳтиёжлар, жумладан, моддий-товар бойликлари заҳиралари;
- илмий-техник тадқиқотлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси; маҳсулотни сотиш каналлари.

**1-топшириқ. Режалаштириш қандай талабларга жавоб бериши лозим?**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_

**2-топшириқ. Бизнес режанинг мазмуни ва ишлаб чиқариш талаблари?**

---

---

---

**3-топшириқ. Бизнес режани ишлаб чиқиша қайси шартларни инобатга олиш зурад?**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_

**4-топшириқ. Молиявий режалар нима?**

---

---

---

#### **7-мавзу: Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги**

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва келажакда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқdir.

##### **7.1. мавзу. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг моҳияти, кўрсаткичлари ва таъсир этувчи омиллар**

“Самарадорлик” тушунчаси кенгдир. У ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, ўқишиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш

самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги, шунингдек, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказо тушунчаларни ўз ичига олади.

**1-топшириқ.** Ҳисобот йилида мамлакатда яратилган миллий даромад ҳажми 46355,5 млрд сўмни ташкил этди. Миллий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг ўртача йиллик сони 11624,8 минг кишига тенг бўлган.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

**2-топшириқ.** Мамлакат бўйича қўйидаги маълумотларга эгамиз.

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йилида	Олдинги йилда
1. Миллий даромад, млрд. сўм	46355,5	36072,8
2. Моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	11624,8	10196,0

Ҳисобот йилида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг олдинги йилга нисбатан қанчага ўзгарганлигини аниқлаш талаб қилинади.

#### ТЕСТ

**1. Самара деганда нима тушунилади?**

- а) фаолият
- б) даромад
- в) харажат
- г) ресурслар
- д) натижа

**2. Корхонада самарадорлик ниманинг таъсири натижасида шаклланади?**

- а) бозордаги талаб асосида
- б) бозордаги таклиф асосида
- в) ички ва ташқи омиллар асосида
- г) рақобат мухитининг шаклланиши асосида
- д) ҳамма жавоб тўғри

**3. Қўлланилаётган ресурсларга нисбатан корхона хўжалик фаолиятининг самардорлиги қандай ҳисобланади?**

- а) харажатларнинг ресурсларга нисбати
- б) сотилган маҳсулотнинг ресурсларга нисбати
- в) сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- г) фойданинг харажатларга нисбати
- д) ҳамма жавоб тўғри

**4. Истеъмол қилинган ресурсларга нисбатан корхона хўжалик фаолиятининг самарадорлиги қандай ҳисобланади?**

- а) харажатларнинг ресурсларга нисбати
- б) сотилган маҳсулотнинг ресурсларга нисбати
- в) сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- г) фойданинг харажатларга нисбати
- д) ҳамма жавоб тўғри

**5. Капитал қўйилмалар - бу ...**

- а) асосий воситалами сотиб олиш, қуриш, таъмирлаш, реконструксия қилиш ва кенгайтириш учун сарфланган маблағлар.
- б) айланма маблағлар билан таъминлашга қаратилган харажатлар.

с) ходимларнинг тажриба ва малакаларини оширишга йўналтирилган маблағлар.

д) ижтимоий соҳаларга сарфланган маблағлар.

**6. Капитал қўйилмалар ишларни бажариш усулига кўра қандай турларга бўлинади?**

а) оддий ва мураккаб усулда қилинадиган капитал харажатлар

б) пудрат ва хўжалик усулида қилинадиган капитал харажатлар

с) курилиш-монтаж, асбоб-ускуналар, инвентар харажатлар, бошқа капитал харажатлар

д) ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обйккетларини қуришга мўлжалланган харажатлар

**7. Корхоналардаги самарали иш ниманинг муҳим шартидир?**

а) иқтисодиётнинг барқарорлашуви

б) бозорнинг тўйиниши

в) миллат фаровонлиги ва давлатнинг гуллаб яшнаши

г) иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши

д) ҳамма жавоб тўғри

**7.2. мавзу. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги қўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари**

Назарияда ва амалиётда корхоналар фаолияти самарадорлиги иқтисодий ва социал қўринишларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, самарадорликни иқтисодий ва социал қўринишларга бўлиш рамзийдир. Чунки, корхоналар фаолияти натижасида эришиладиган самарани иқтисодий ва (маълум маънода) социал самара, дейилса мантиқга тўғри келади.

Маълумки, иқтисодиёт социал ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, социал ҳаёт ҳам иқтисодиётсиз бўлмайди. Шу сабабдан уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Амалга оширилган ҳар бир иш айни вақтда ҳам иқтисодий, ҳам социал самара келтиради.

**1-топшириқ. Ишлаб чиқариш самарадорлиги нима?**

---

---

---

**2-топшириқ. Молиявий самарадорлик нима?**

---

---

---

**3-топшириқ. Ижтимоий самарадорлик нима?**

---

---

---

**4-топшириқ. Ишлаб чиқариш корхоналарыда иқтисодий санаадорлик?**

---

---

---

**8-мавзу: Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати**

Корхоналар ўз фаолиятини амалга оширишлари учун маълум миқдордаги ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишади. Улар ишлаб чиқаришни юритишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Корхоналар тасарруфидаги барча моддий ва молиявий маблағлар биргаликда – корхона фондлари дейилади. Айрим адабиётларда улар корхона капитали деб аталади.

**8.1. мавзу. Корхона асосий фондлари-нинг моҳияти,таркиби ва тузилмаси**

1. Кўйида келтирилган маълумотлар асосида саноат корхонаси асосий воситаларининг ўртacha йиллик қийматини аниqlанг:

Кўрсаткичлар	Минг сўм.
Асосий воситаларнинг йил бошига қиймати	15 000,0
Ишлаб чиқаришга киритилган асосий воситалар қиймати:: - март ойида - июнь ойида - август ойида	200,0 150,0 250,0
Ишлаб чиқаришдан чиқарилган асосий воситалар қиймати:: - февраль ойида - октябрь ойида	100,0 300,0

2. Кўйида келтрилган маълумотлар асосида саноат корхонаси асосий воситаларининг ўртacha йиллик қийматини хисобланг.

Асосий воситалар	Йил бошига қиймати, минг сўм	Киритилган			Ишлаб чиқаришдан олинган	
		Ойлар	сони	қиймати, минг сўм	ойлар	қиймати, минг сўм
Бинолар	10000,0	Май	1	1000,0	ноябрь	500,0
Иншоатлар	1000,0	-	-	-	-	-
Ускуналар	20000,0	Март	1	2000,0	-	-
Транспорт воситалари	500,0	Август	2	50,0	-	-
Хўжалик инвентарлари	200,0	-	-	-	июнь	90,0

## ТЕСТ

**1. Активлар, бу...**

- а) кредитлар;
- б) акциялар;
- в) корхона тасарруф этадиган мол мулклар;
- г) қарз воситалари.

**2. Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда қандай қиймат бүйича баҳоланади?**

- а) ўртача қиймат;
- б) бошланғич қиймат;
- в) қолдиқ қиймат;
- г) вазирлик томонидан белгиланган қиймат.

**3. Кувватлардан фойдаланиш коэффиценти қандай аниқланади?**

а) ишлаб чикариш дастурининг жами асбоб ускунанинг режали иш вақти фондига нисбати сифатида

б) ишлаб чикариш дастурининг ишлаб чикариш кувватларига нисбати сифатида

в) ишлаб чикариш дастури меҳнат талабчанлигининг асбоб ускуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида

г) ишлаб чикариш дастури меҳнат талабчанлигининг бир смена учун асбоб ускуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида

д) цех ишлаб чикариш кувватларининг завод ишлаб чикариш кувватларига нисбати сифатида

**4. Асбоб ускунанинг юкланиш коэффиценти қандай аниқланади?**

а) ишлаб чикариш дастурининг жами асбоб ускунанинг режали иш вақти фондига нисбати сифатида

б) ишлаб чикариш дастурининг ишлаб чикариш кувватларига нисбати сифатида

в) ишлаб чикариш меҳнат талабчанлигининг жами асбоб ускуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида

г) ишлаб чикариш меҳнат талабчанлигининг бир смена учун асбоб ускуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида

д) цех ишлаб чикариш кувватларининг завод ишлаб чикариш кувватларига нисбати сифатида

**5. Кувватларнинг мутаносиблик коэффиценти қандай аниқланади?**

а) ишлаб чикариш дастурининг жами асбоб ускунанинг режали иш вақти фондига нисбати сифатида

б) ишлаб чикариш дастурининг ишлаб чикариш кувватларига нисбати сифатида

в) ишлаб чикариш меҳнат талабчанлигининг жами асбоб ускуна режали иш вақти фондига нисбати

г) ишлаб чикариш меҳнат талабчанлигининг бир смена учун асбоб ускуна режали иш вақти фондига нисбати сифатида

д) цех ишлаб чикариш кувватларининг завод ишлаб чикариш кувватларига нисбати сифатида

**6. Асосий фондларни амортизацияси бу - ...**

а) асосий фондларни эскириш

б) асосий фондларни қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига

утказиш жараёни

в) ишлаб чиқариш фондларини тикланувчанлиги (реконструкция)

г) асосий фондларни сақлаш харажатлари

**7. Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда қандай қиймат бўйича баҳоланади?**

а) ўртача қиймат;

б) бошланғич қиймат;

в) қолдиқ қиймат;

г) тиклаш қиймат.

**8. Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисботда қандай қиймат бўйича акс эттирилади?**

а) ўртача қиймат;

б) тиклаш қиймат;

в) жорий қиймат;

г) қолдиқ қиймат;

**9. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати?**

а) жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати;

б) жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг ўртача қиймати;

в) жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг ўртача қиймати;

г) жамланган амортизация суммасини чегирмаган ҳолда асосий воситаларнинг қодиқ қиймати.

**10. Асосий воситалар қиймати қандай йўл билан сўндирилади?**

а) амортизацияни ҳисоблаш йўли билан;

б) инвентаризация йўли билан;

в) балансдан балансга ўтказиш йўли билан;

г) сотиш йўли билан.

**8.2. мавзу. Корхонанинг асосий фондлар-дан фойдаланишини яхшилаш йўллари**

Назарияда ва амалиётда “фонд” сўзи турли маъноларда ишлатилади. У лотин тилидан олинган бўлиб, биринчидан, давлатнинг, корхоналарнинг ва шу кабиларнинг бирор мақсад учун ажратган пул маблағини, иккинчидан, айrim субъектлар тасарруфидаги моддий нарса (масалан, уруғлик фонди, музей фонди, китоб фонди)ни, учинчидан, ижтимоий-иктисодий соҳаларда фаолият юритаётган субъектлар (Халқаро Валюта Фонди, Жамоат Фонди, Ўзбекистон Тикланиш ва Тараққиёт Фонди кабилар)нинг юридик мақомини ифодалайди. Иктисодий адабиётларда узоқ муддатли активлар таркибидаги асосий воситаларга нисбатан (моддий нарса, моддий мулк нуқтаи назаридан) синоним сифатида “асосий фондлар” тушунчаси ишлатилади. Маълумки, восита — бу иш, ҳаракат қуроли.

**1-топшириқ. Асосий фонд нима ва асосий фондларга нималар киради?**

---

---

---

---

**2-топшириқ. Асосий фондларга күйиладиган талабларни келтириң!**

---

---

---

**3-топшириқ. Асосий фондлардан фойдаланиш хизмат муддатлари?**

---

---

---

### **8.3. мавзу. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш күрсаткичларини хисоблаш усуллари**

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида хисобга олинади. Агар асосий фондларни натурал баҳолаш-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гурух ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, қиймат бўйича баҳолаш эса, асосий фондларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

**1-топшириқ. Ҳақ эвазига сотиб олинадиган асосий воситалар қандай харажатлардан ташкил топади?**

---

---

---

**2-топшириқ. Тикланиш қиймати бўйича асосий воситалар деганда нима тушунасиз?**

---

---

---

**3-топшириқ. Асосий фондларни қайта баҳолаш қачон ўтказилади ва нима учун?**

---

---

---

## **9-мавзу: Корхонанинг айланма маблағлари**

Корхоналарда ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши учун узоқ муддатли активлар билан бир қаторда айланма (жорий) активлар ҳам зарур бўлади. Айланма активлар ҳам корхона мулки ҳисобланади.

### **9.1.-мавзу. Корхона айланма маблағларининг моҳияти, таркиби ва нормалаштирилиши.**

**1.Хисобот йилида корхонанинг айланма маблағлари 1282,9 млн, сўмни ташкил этди.**

Шу жумладан (млн. сўм):

- хом ашё, материаллар ва сотиб олинадиган яримфабрикатлар – 33,1;
- ёрдамчи материаллар – 205,3;
- ёқилғи – 3,7;
- эҳтиёт қисмлар – 45,9;
- қиммати паст ва тез эскирадиган буюмлар – 177,1;
- идишлар – 2,6;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш – 24,1;
- келгуси давр ҳаражатлари – 270,2;
- тайёр маҳсулот – 181,5;
- ҳаридорга жўнатилган товарлар – 167,2;
- ҳисоб-китоблардаги маблағлар – 31,4;
- пул маблағлари – 21,0;
- қолганлари – 121,8.

Корхона айланма маблағларининг структураси, нормалаштириладиган ва нормалаштирилмайдиган айланма маблағларнинг ҳажми ва солиштирма оғирлигини, ишлаб чиқариш ва муомалада бўлган айланма маблағларнинг катталигини аниқлаш талаб қилинади.

**1.Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни характерловчи кўрсаткичлар:**

- а) рентабеллик ва фойда
- б) фонд қайтими ва фонд сифими
- в) ишчилар меҳнати фонд билан таъминланганлиги
- г) эксплуатацион тайёргарлик коэффициенти

**2.Асосий ишлаб чиқариш фондларидан экстенсив фойдаланиш қуйидагилар орқали аниқланади**

- а) фонд сифими ва фонд қайтими орқали
- б) сменалик коэффициенти, ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти орқали

в) меҳнатни фонд билан таъминланганлиги орқали

г) ишлаб чиқариш ренъабеллиги орқали

**3.Ускуналардан интенсив фойдаланиш қуидагилар орқали аниқланади:**

а) сменалик коэффициенти

б) ишчилар меҳнатини фонд билан таъминланганлиги

в) ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициенти

г) ускуналарнинг яроклилик коэффициенти

**4.Фонд қайтими кўрсаткичи характерланади:**

а) 1 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келадиган товар маҳсулотлари улчамининг ҳажми орқали

б) меҳнатни техник жиҳатдан қуролланганлик даражаси билан

в) 1 сўмлик реализация қилинган маҳсулот учун асосий фондларни солиштирма харажатлари

г) асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти билан

**10- мавзу: Корхонада кадрлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш**

**1.** Қуйида келтирилган маълумотлар асосида “Турон” акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларининг таркиби, структураси ва динамикасини таҳдил қилинг.

Кўрсаткич лар	Ўт ган йили	Ҳисобот йили				Мутлақ фарқи, +,-	Ўтган йил дан	Режа дан			
		Бизнес режада		Ҳақиқатда							
		Сони, киши	Салмо ғи, %	Сони, киши	Салмо ғи, %						
1.Ишчилар	1020	1015		1010							
2.Хизматчилар	132	130		125							
3.Рахбар ходимлар	35	28		30							
4.Мутахассислар	42	45		48							
5.Коровуллик хизмати ходимлари	12	12		10							
Жами											

**2.** Саноат корхонаси бўйича қуидаги маълумотларга эгамиз:

1. Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари (категориялар бўйича) сони, киши:

а)Асосий ишчилар — 930

б)Ёрдамчи ишчилар — 340

в)Рахбарлар — 120

г)Мутахассислар — 185

д)Хизматчилар — 70

2.Корхона жорий йилда 750,0 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Бир ходимнинг ва бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш талаб қилинади.

**ТЕСТ**

**1. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш қандай шаклда амалга оширилади?**

- а) ишбай-вақтбай;
- б) киши-соат;
- в) меҳнат-соат;
- г) яратилган маҳсулотга нисбатан.

**2. Мехнатни ижтимоий шароитлари қандай омиллардан иборат?**

- а) жисмоний омиллар, руҳий омиллар
- б) атроф-мухитга таъсир этувчи омиллар, руҳий омиллар
- в) атроф-мухитга таъсир этувчи омиллар, жисмоний омиллар, руҳий омиллар
- г) жисмоний омиллар, атроф-мухитга таъсир этувчи омиллар

**3. Корхонада номинал иш ҳақи нима?**

- а) номинал иш ҳақи- ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.
- б) номинал иш ҳақи- ходимнинг маълум бир бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.
- в) номинал иш ҳақи-ходимнинг маълум берилган вазифани бажариши учун ҳақи эвазига оладиган маблағи.
- г) номинал иш ҳақи- ходимнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти учун оладиган пули.

**4. Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядлари нечтага бўлинади?**

- а) 20 та
- б) 22 та
- в) 23 та
- г) 24 та

**5. Инсонларнинг хулқига таъсир этувчи омиллар:**

- а) шахсни бошқариш тизими ва унинг жамоадаги ўрни;
- б) шахснинг табиий ва психофизиологик хусусиятлари;
- в) манфаатлар, мотивлар ва рағбатлар тизими;
- г) ҳамма жавоблар тўғри.

**6. “Иш ҳаки” куйидаги вариантларнинг қайси бирида тўғри таъриф берилган:**

- а) ишчига маълум ҳажмдаги ишни бажарганлиги ёки хизмат вазифаларини маълум вақт давомида бажарганлиги учун туланадиган пул тулови;

**7. Мехнат унумдорлиги деганда нима тушунилади?**

- а) меҳнатнинг якуни
- б) меҳнатнинг натижавийлигини
- в) меҳнатнинг фаоллиги
- г) яратилган маҳсулот ҳажми
- д) маҳсулот яратиш учун зарурый вақт

**8. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади?**

- а) ялпи ижтимоий маҳсулот: барча соҳаларда банд бўлганлар сони
- б) ялпи ижтимоий маҳсулот: моддий тармокларда банд бўлганлар сони
- в) миллий даромад: моддий тармокларда банд бўлганлар сони.
- г) иш вақти харажатлари: айрим турдаги маҳсулот харажатлари
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

**9. Маҳсулот бирлигининг меҳнат талабчанлиги қандай аниқланади?**

- а) иш вақти харажатлари: қиймат ифодасидаги маҳсулот ҳажми
- б) қиймат ифодасидаги маҳсулот ҳажми: иш вақти харажатлари

- в) қиймат ифодасидаги маҳсулот ҳажми: корхонанинг умумий харажатлари.
- г) иш вақти харажатлари: айрим турдаги маҳсулот харажатлари.
- д) ҳамма жавоблар түғри.

**10. Корхона персоналини ўқитишининг асосий турлари:**

- а) аттестациясиз мустақил билим олиш орқали ёки иш жойида;
- б) ихтисослаштирилган муассасаларда ишдан ажralган ва ажralмаган ҳолда;

в) ихтисослаштирилган муассасаларда экстернат билан аттестация орқали;  
г) ихтисослаштирилган муассасаларда ишдан ажralган ва ажralмаган ҳолда,  
ихтисослаштирилган муассасаларда экстернат билан аттестация орқали,  
аттестациясиз мустақил билим олиш орқали ёки иш жойида.

**9.2. мавзу. Ишлаб чиқариш корхоналари айланма маблағларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари**

Меҳнат предметлари ишлаб чиқаришнинг бир циклидагина қатнашади ва ўзининг натурал шаклини ўзгартиради, қийматини тўлиқ янгидан яратилган маҳсулот қийматига ўтказади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганидан кейин, уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағлар корхонага қайтади ва доимо оборотда қатнашади. Корхонанинг маблағлари доиравий айланишнинг турли босқичларида: пул, ишлаб чиқариш воситаси ва тайёр маҳсулот (товар) шаклида бўлади.

**1-топшириқ. Айланма маблағлар нима ва уларга нималар киради?**

---

---

---

---

**2-топшириқ. Айланма маблағларга қўйиладиган талабларни келтиринг!**

---

---

---

---

**3-топшириқ. Айланма маблағлардан фойдаланиш хизмат муддатлари?**

---

---

---

---

**9.3. мавзу. Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари**  
Маҳсулот сифати, ишончлилиги ва узоқ муддат хизмат қилишига зарар

етказмаган ҳолда унга сарфланадиган хом ашё, материаллар, ёқилғи харажатларини камайтиришни билдиради.

Айланма маблағларнинг айланиш муддати қанча кам ёки сотилган маҳсулотнинг ўша ҳажмда айланишлар сони қанча кўп бўлса, айланма маблағлар шунча кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанча тез айланса, улар шунча самарали фойдаланилади.

### **1-топшириқ. Айланма маблағларга таъсир этувчи омиллар?**

---

---

---

### **2-топшириқ. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш айланма фондларидан қандай фарқ қиласи?**

---

---

---

### **3-топшириқ. Корхонада маҳсулотнинг материал сифимини камайтириш қандай аҳамият касб этади?**

---

---

---

## **11-мавзу: Ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотининг сифати ва унинг рақобатбардошлиги**

### I. Кейс «Маркетинг режа»

#### 1.1 Маркетинг режанинг моҳияти ва функциялари

Замонавий маркетинг бу корхонанинг юқори фойда олиш мақсадида харидорларнинг реал сўровлари ва бозорни комплекс ўрганиш асосида хизмат кўрсатиш, товар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини ташкил этиш тизимиdir. Айтиш мумкинки, бизнес-режанинг барча бўлимларини шакллантириш маркетингнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва кенг миқёсда фойдаланган ҳолда маркетинг тадқиқотларини амалга оширишга асосланади.

Маркетингда асосийси икки ёқлама ва бир-бирини тўлдирувчи ёндашувдир. Бир томондан корхонанинг бутун фаолияти, айниқса, унинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, фан-техника тадқиқотлари, капитал қўйилмалар дастурларини яратиш бозор ва ундаги ўзгаришларни чукур билишга асосланса, иккинчи томондан бозорга ва мавжуд талабга фаол таъсир кўрсатиш, яъни эҳтиёжлар ва истеъмолчилик афзалликларини шакллантириш туради. Бундан маркетингнинг асосий тамойили - ишлаб чиқаришнинг яқуний натижалари истеъмолчилар талаб ва таклифларига йўналтирилиши келиб чиқади.

Ушбу комплекс вазифани бажариш учун маркетинг таҳлилий, ишлаб чиқариш ва сотув функцияларини бажариши лозим.

Таҳлилий функция асосан истеъмолчилар ва рақобатчиларни, шунингдек, товарнинг ҳаракатланиши ва сотув характери, баҳони шакллантириш тизими ва рекламани ўрганишга бориб тақалади. Шу билан бирга корхонанинг ички муҳити, унинг ишлаб чиқариш имкониятлари, рақобатбардошлиги ва ҳоказолар ҳам таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқариш функцияси доирасида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

янги товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

янада мукаммал технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

ишлаб чиқаришни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини баҳолаш.

Сотув функциясига қуйидагилар киради:

товарни ҳаракатлантириш тизимини ташкил этиш;

сервисни ташкил қилиш;

талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш тизимин ташкил этиш;

мақсадли йўналтирилган товар сиёсатини амалга ошириш;

баҳо сиёсатини юргазиш.

Маркетингда бошқарув ва назорат функцияси ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагиларни назарда тутади:

корхонада стратегик ва тезкор режалаштиришни амалга ошириш;

жамоани бошқаришнинг ахборот таъминоти;

корхонада коммуникация тизимини ташкил қилиш;

маркетинг назоратини ташкил қилиш (тескари алоқа, вазият таҳлили).

Маркетингнинг бу ва бошқа функциялари унинг асосий вазифаси – тадбиркорлик муҳити динамикасини кузатиш, яъни атроф-муҳитнинг режалаштириш характери ва тенденциялари бизнесни юритишига ижобий таъсир кўрсатиши ёки унинг олдига тўсиқлар қўйишини кузатишни таъминлаши лозим. Тадбиркорлик муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолашда аввало қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши лозим:

иқтисодий реаллик – ички миллий маҳсулот, дисперсион даромад, яъни айни пайтда эришилган турмуш даражаси;

ижтимоий омиллар – аҳоли таркиби, қадриятлар, рақобат, тенденциялар;

техник ривожланиш даражаси – техник тараққиёт, бозорнинг техник тараққиётни сезувчанлиги;

ҳуқуқий-норматив муҳит – қонунчилик, норматив ҳужжатлар.

Агар тадбиркорлик муҳити корхонага танланган бизнес соҳасида муваффақиятли фаолият кўрсатишига имкон берса, маркетинг хизматининг фаолияти у ишлаши лозим бўлган товар бозорига қаратилиши лозим. Бунда корхонанинг бозорга чиқишида уч вариант мавжуд: қўшилиш, илгари мавжуд бўлган мавқени сақлаб қолиш ва қисқартириш.

У ёки бу йўналишни танлаш кўплаб масалаларни бажаришга, биринчи навбатда корхонанинг юқори сифатли рақобатбардош маҳсулот чиқариш имкониятларига боғлиқ бўлади. Бироқ бунгача бошқа масалани ҳал қилиб олиш керак: корхона у чиқараётган ёки мўлжаллаётган маҳсулотга талаб қандай вужудга келиши, унинг нарх ўзгаришига қанчалик мослашуви ва бу мослашувчанликнинг якуний натижа фойда(даромад)га қанчалик таъсир кўрсатишини билиши лозим.

Маркетинг режасини ишлаб чиқишида ишлаб чиқаришни бозор талабларига

максимал мослаштиришни, қўл остидаги мавжуд воситалар (маҳсулот сифати, реклама, сервис ва х.к.) ёрдамида бозор ва истеъмолчиларга фаол таъсир ўтказишни таъминлаш зарурдир. Корхона ўз маҳсулотини истеъмолчигача етказишга қобилиятли эканини кўрсатиш керак.

Бизнес-режани ишлаб чиқиши жараёнида маркетинг режаси муфассал ишлаб чиқиши талаб қиласидан кўплаб саволларни ёритишни талаб қиласиди<sup>1</sup>. Лекин барча саволларни расмий бизнес-режага киритиш зарур эмас. Мазкур бўлимга бизнес-режанинг мақсадларидан келиб чиқиб, режалаштирилаётган маркетинг фаолиятининг асосий (энг қизиқарли) ҳолатларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Бўлимнинг тузилмаси қўйидагича бўлиши мумкин:

- маркетинг стратегияси;
- товар сиёсати;
- баҳо(нарх) сиёсати;
- сотиш сиёсати;
- коммуникатив (ахборот алмашинуви) сиёсати
- маркетинг бюджети.

**Маркетинг стратегияси.** Маркетинг стратегияси мазмунини ёритишдаги бошланғич нуқта бозорни сегментлаш ва мақсадли бозорларни танлаб олиш ҳисобланади. Ҳар бир мақсадли сегментга, рақобатчиларнинг ундаги ўрнини ҳисобга оладиган алоҳида маркетинг стратегияси ишлаб чиқиласди. Бунда умумий йўналишлар ҳамда маркетинг комплекси ҳар бир ташкил этувчисининг ички стратегияси (товар, баҳо, сотиш ва коммуникатив сиёсат) ишлаб чиқиласди. Натижалар 1-жадвал шаклида келтириши мумкин.

1-жадвал.

Корхонанинг маркетинг стратегияси.

Маҳсулот тури	Маҳсулот тури бўйича бозорни сегментлаш	Маркетинг тури	Ҳаётгйлик даври босқичи	Сотиш каналлари	Маркетинг сиёсати				Маркетинг ҳаракатлари
					Товар	Баҳо	Сотиш	Коммуникатив	

Бозорни қамраб олишнинг маркетинг стратегиясини танлашда қўйидаги учта туридан фойдаланиш мумкин:

- оммавий маркетинг;
- дифференциал маркетинг;
- йўналтирилган маркетинг;

Оммавий маркетинг стратегиясига амал қилувчи корхоналар мувваффакиятининг асосий омиллари бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг стандартлашганлиги ва оммавийлиги ҳисобланади. Уни қўллашни маҳсулот бутун

<sup>1</sup> Каранг, Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика / Серия «Учебники и учебные пособия» - Ростов н/Д. «Феникс», 2003. - 169 бет.

бозорга ёки унинг йирик сегменти учун мўлжалланган ҳолларда тавсия қилинади.

Дифференциал маркетинг стратегияси корхонада бозорнинг бир неча сегментларида улар учун маҳсус ишлаб чиқилган маҳсулот ва маркетинг дастури асосида фаолият юритишни талаб қиласи. Бу ўзлаштирилаётган ҳар бир бозор сегментига чукур кириб бориш орқали сотиш хажмини ўсишига имкон яратади.

Йўналтирилган маркетинг корхона фаолиятини бир ёки бир неча бозор сегментига йўналтирилишини талаб қиласи. Бунинг асосий шарти танланган сегментларда албатта фойда юқори даражада бўлиши керак. Бу стратегия ресурслар чекланган ҳолатда қўллаш тавсия қилинади ва мазмунига кўра бозордаги ўз ўринини эгаллаш йўналишига мос келади. Ундан кичик корхоналар фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## 1.2. Товар сиёсати

Товар сиёсати ўз ичига қуйидаги йўналишларни олади<sup>2</sup>:

- ассортимент сиёсати;
- янги маҳсулотни яратиш;
- маҳсулот сифати соҳасидаги корхона стратегияси;
- дизайн стратегияси;
- товарнинг бозор атрибулари (белгилари);
- сервис хизматини ташкил этиш стратегияси.

Ассортимент сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади: товарлар ассортимент гуруҳларини умумий сони; алоҳида товарлар умумий сонини; ассортиментлар гуруҳи доирасида ҳар бир алоҳида товарни таклиф вариантлари.

Товар номенклатурасининг тузилмасини алоҳида товарлар ҳаётийлик даврининг босқичлари, товарлар ҳаётийлик даврини узайтириш усуллари, корхонанинг товарлар стратегиясини асосланишини ташкил этади.

Ассортимент сиёсати бўйича маълумотларни 2-жадвал шаклида берилиши мумкин

### 2-жадвал

#### Корхонанинг ассортимент сиёсати.

Ассортимент гуруҳи	Товар тури	Модели	Маҳсулот тузилмаси	Товар ҳаётийлик даври босқичи	Товар ҳаётийлик даврини узайтириш усули	Товар стратегияси

Корхона фаолиятининг бизнес-режасини ишлаб чиқишида у томонидан ишлаб чиқарилаётган турли товарларнинг ҳаётийлик даври бир-бирига уланиб кетишига эътибор бериш лозим. Бу шуни билдирадики, бир товарга тўйиниш юзага келганда иккинчи бир товарни ишлаб чиқаришга киритиш керак бўлади. Акс холда бозордаги сотиш миқёсларини олдини олиш қийин бўлади.

Янги маҳсулотни яратиш. Бизнес-режада корхонанинг янги маҳсулот яратиш бўйича сиёсатини баён қилиш лозим. Ушбу сиёсатни ишлаб чиқишида биринчи навбатда истеъмолчилар талабларига таянилади. Бундан ташқари қуйидаги

<sup>2</sup> Карап, Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика / Серия «Учебники и учебные пособия» - Ростов н/Д. «Феникс», 2003. - 179 - 188 бетлар

қоидаларни ҳам ҳисобга олиш керак.:

○янги маҳсулотни яратиш ва бозорга чиқариш зарур, лекин у бир мунча таваккалчилик билан боғлиқ. Амалиёт кўрсатадики, таклиф этилаётган янги маҳсулотларнинг кенг истеъмол товарлари бозорида 40 фоизи, саноат товарлари бозорида 20 фоизи, хизматлар бозорида эса 18 фоизи касодга учрайди. Бунга сабаб сифатида талаб хажмининг ноътӯғри белгиланиши, рекламанинг етарли эмаслиги, талабни шакллантириш ва сотовуни рағбатлантириш бўйича ишларнинг паст даражаси, баҳосини асоссиз ошириб юбориш, рақобатчиларнинг жавоб ҳаракатлари, бозорга чиқариш вақтини ноътӯғри танлаш кабиларни кўрсатиш мумкин.

○янги товарни икки усулда олиш мумкин: четдан сотиб олиш (корхона сотиб олиш, патент ёки руҳсатномани сотиб олиш орқали) ёки корхонани ўзида янги маҳсулот турини ишлаб чиқиш;

○товарни бозорга чиқарилаётган даврдаги асосий харидорларнинг талабларига жавоб бериши керак. Бу эса янги товарлар шаклланишини башоратлашни ва янги ғояни илгари суриш ҳамда товарларни синов сотовлари ўртасидаги оралиқни қисқартиришни талаб қиласди. Мутахассисларнинг фикрига кўра 80 -100 та янги ғоялардан фақатгина биттаси, бозорнинг истиқбол талабларига жавоб бера оладигани ҳаётга тадбиқ этилар экан.

Сифат соҳасидаги корхона стратегияси. Бизнес-режанинг ушбу бандида қуидагилар акс эттирилади:

- харидор учун энг жозибали бўлган сифат жихатларининг тавсифи;
- маҳсулот жозибадорлигининг ўзгариши йўналишлари;
- маҳсулот сифатини ошириш борасидаги корхонанинг стратегик йўналишлари.

Дизайн стратегиясини белгилаш. Бунда қуидагиларни ёритиш лозим;

○дизайн борасидаги корхона ҳаракатларининг стратегик йўналишлари;

○корхона маҳсулотни дизайнни бўйича хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

○дизайн хизматига қилинадиган харажатлар.

Товарнинг бозор атрибуллари (белгилари).

Бизнес-режада товарнинг бозор атрибулларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки унинг ташкил этиувчилари товарни истеъмолчи томонидан қабул қилинишида катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун товарнинг маркаси, қадоқланиши, хоссалари ва бажарадиган вазифаларини муфассал баён этиш лозим.

Товар белгиси - ҳуқуқий ҳимоя қилинган товар маркаси ёки унинг бир қисми бўлиб, товар сотовчисининг фақатгина ўзига марка номи ва марка белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Товар белгиси сифат кафолатлари, индивидуаллик, реклама ва маркани ҳимоя қилиш вазифаларини бажаради. Товар маркаси унинг бозор атрибуллари асосий элементи бўлиб, бозордаги қиёфасини шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Товар маркаси - бу рамз, белги, сурат, ном бўлиб, бир ёки бир неча ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларнинг солиштиришни (идентификация) ва рақобатчилар маҳсулотларидан фарқланишини таъминлайди.

Маркалар ўз ичига маҳсус рамзли белгилар, расмлар, номлар ва уларнинг қўшилмаларини қамраб олиши мумкин.

Марка номи - марканинг бир қисми бўлиб, талаффуз қилиш мумкин бўлган харф, сўз ёки уларнинг қўшилмаси тарзида ифодаланиши мумкин (масалан, «Мерседес-бенц», «Тип-топ»).

Марка белгиси - марканинг бир қисми бўлиб, талаффуз қилинмайди ва осон таниб олинадиган белги, расм шаклида бўлиши мумкин (масалан, «Женерал моторс» учун «GM» белгиси).

Фирманинг номи, маркаси белгиси ўрнатилаган тартибда рўйхатдан ўтган, яъни ҳукукий ҳимояланган бўлсагина кучга киради.

Корхона номини танлашда қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- у ном илгари рўйхатдан ўтказилган ном билан бир хил бўлмасин;
- корхонанинг ёки компанияни ташкил этувчиликарининг исмидан, машхур шахслар номларидан иборат бўлмасин, акс ҳолда уларнинг ўзлари ёки меросхўрларидан ушбу номдан фойдаланиш учун рухсат олиш лозим бўлади;
- қонунчилик талабларига ёки ижтимоий ахлоқ нормаларига зид бўлган номларни ўз ичига олмасин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра индентификация қилиш ва тегишли гувоҳнома асосида ном бериш маҳаллий (туман, шаҳар) статистика идоралари томонидан амалга оширилади. Гувоҳнома олиш учун корхонага ёки фирмага қўймоқчи бўлган ном кўрсатилган аризани тақдим этиш кифоя қиласи ва аризани уч иш қунида кўриб чиқилади.

Маҳсулотнинг қадоқланиши бир қатор вазифаларни бажаради:

- маҳсулот белгисини, номини, унинг ишлаб чиқарилган жойи ва вақтини кўрсатишга кўмаклашади. Хозирда қадоқлаш идишларида ва ёрлиқларда ушбу мақсад учун штрих код тизимидан фойдаланилмоқда.
- маҳсулотнинг эстетик жиҳатдан маъқулроқ жойлаштириш ва унга зарар етказилишидан ҳимоя қиласи;
- маҳсулотни индентификация қилишда ёрдам беради;
- ишлатилишида ва сақлашда қулайлик яратади;
- харидор эътиборини ўзига жалб қиласи;
- маблағни тежайди.

Қадоқлашнинг эътиборни жалб қилувчанлиги маҳсулотни муваффақиятли сотилишига катта таъсир кўрсатади. Жалб қилиш даражаси бир қатор омиллар: ўлчови, ранги, материали, қадоқлаш шакли жихатидан алоҳида фарқланувчи ва осон ўқиладиган ёзув ва кўрсатмалар билан шаклланади.

Қадоқлаш идишлари таққослаш, солиштириш воситаси сифатида шунчалик мухим бўлиб бўлиб қолдики, "Кока-кола", "Хайнц" каби компаниялар ўз ишларини ва ёрлиқларини (этикетка) узоқ йиллар мобайнида ўзгартирумайдилар, бу эса харидор учун маҳсулот маркасини тезда билиб олишга имкон яратади. +адоқлаш идишларини бошқа мақсадлардан ҳам ишлатиш имконияти харидорларни бевосита жалб қилиш даражасини оширади. Масалан, ичимликлардан бўшаган идишлар кенг кўламдаги мақсадларда фойдаланилади. Баъзи бирлари коллекционерлар учун бебаҳо предмет бўлиб қолади.

Сервис хизматини ташкил этиш стратегияси сотишдан олдинги ва сотишдан кейинги сервис хизматини кўзда тутади.

Сотиш олди сервиси таклиф этилаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш мақсадида истеъмолчилар талабларини доимий ўрганиш ва таҳлил қилишга йўналтирилган.

Сотишдан кейинги сервис кафолат муддати давомида ва ундан кейинги кўрсатиладиган хизматлар мажмуни (созлаш, таъмирлаш) кўзда тутади.

Бизнес-режада сервис доирасида қандай хизматлар бажарилиши тўғрисидаги ахборот берилади. Уларга қуидагилар киради:

- маҳсулотни бепул етказиб бериш;
- транспортировка (ташиш) натижасида юзага келган носозликларни йўқотиш;
- маҳсулотни ўрнатиб бериш ва ишга тушириб бериш;
- бепул кафолатли таъмирлаш муддатлари;
- кафолат муддатларидан сўнг пулли таъмирлашни амалга ошириш;
- зарур ҳолларда харидорнинг ходимларини маҳсулотдан фойданиш бўйича дастлабки ўқитишни ташкил этиш;
- эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш;
- техник маслаҳатлар бериш;
- Бундан ташқари хизматларни амалга ошириш шаклини ҳам кўрсатиш зарур:
- ишлаб чиқарувчи томонидан;
- маҳсулот сотувчиси томонидан;
- ишлаб чиқарувчи билан шартнома асосида иқтисослашган ташкилот томонидан хизмат кўрсатиш.

### 1.3. Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш

Маркетинг тадқиқотлари маркетинг фаолиятининг барча жабҳалари бўйича қарор қабул қилиш билан боғлиқ. Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишларини тавсифлаймиз.

Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш. У корхонанинг келгуси фаолиятини белгилаш учун бозор шароитлари тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида амалга оширилади. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилишнинг асосий йўналишлари қуидагиларни қамраб олади:

- бозор сигимини баҳолаш;
- бозорни сегментлаш;
- бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, қонунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш;
- бозор тузилмасини ўрганиш;
- сотув ҳажмини башорат қилиш.

Бозор сигимини аниқлаш бозор тадқиқотларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Товар бозори сигими деганда белгиланган даражада ва баҳоларда товарни сотиш имкониятлари тушунилади. У истеъмолчилар талаби ва товар таклифи миқдори билан тавсифланади. Бозор сигими тадқиқотлари кутилаётган сотув ҳажмини башорат қилишга имкон беради.

Бозор сигимининг икки хил даражаси мавжуд: потенциал ва реал (ҳақиқий). Бозорнинг ҳақиқий сигими биринчи босқич саналади. Потенциал даражажа шахсий ва жамият эҳтиёжлари билан белгиланади ҳамда уларга мос келувчи товар сотувини акс эттиради. Реал бозор сигими потенциал бозор сигимига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Бозор сигимини баҳолаш натурал ва қиймат ўлчамида ўлчаниб, қуидаги формулага асосан топилади:

$$БС = ММ + ИХ - ЭХ,$$

Бу ерда:

БС – бозор сигими;

ММ – миллий маҳсулот ишлаб чиқариш;

ИХ – импорт ҳажми;

ЭХ - экспорта ҳажми.

Бозорнинг импорт сифими қуидаги аниқланади  
БИС = БС - ММ + НЭ,

Бу ерда:

БИС - бозорнинг импорт сифими;

МЭ - миллий экспорт, аниқланиши МЭ = ЭХ – РЭ;

РЭ – реэкспорт ҳажми.

Нисбий бозор улуши корхонанинг бозордаги улуши ва рақобатчилар улушининг нисбати сифатида аниқланади:

НБУ = ЎБУ / РБУ

Бу ерда:

ЎБУ – ўз бозор улуши;

РБУ – рақобатчилар бозор улуши.

Бозорни сегментлаш бир томондан корхонанинг маркетинг фаолияти йўналтирилган бозор қисми ва обьектларини аниқлашни, иккинчи томондан бозорда қарорлар қабул қилиш жараёнига бошқарув ёндашувини, маркетинг элементларини тўғри танлашга асос яратишни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда бозорни сегментлаш – бу бозорни кўрсаткичлари ва у ёки бу фаолият турига (реклама, сотиш каналлари ва усуллари) реакцияси бўйича бир-биридан фарқ қилувчи қисмларга ажратишидир.

Сегментлаш обьекти биринчи навбатда истеъмолчилардир. Алоҳида тарзда ажратиб олинган ва умумий тамоилилларга эга бўлган ҳолда улар бозор сегментини ташкил этади. Сегментлар сони кўп бўлганда уларнинг ҳар бири талабларига мослашиш жуда қимматга тушиши мумкин. Шу сабабли шахсий фойдаланиш товарларига нисбатан доимо йирик сегментларни белгилаш лозим.

Сегментлашда товар ўз харидорини топиши лозим. Бозорнинг тузилмасини тадқиқ этиш бунга энг кам харажатлар билан эриши имкониятини беради. Бунда бозор конъюнктурасини билиш ҳам муҳим бўлиб, у мазкур товар турига талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат ҳамда нарх даражаси ва улар ўртасидаги муносабат билан тавсифланади. Бозор конъюнктурасини ўрганишдан асосий мақсад саноат ва савдо фаолияти бозор ҳолатига қанчалик таъсир кўрсатиши, унинг келажакдаги ривожланиши ҳамда аҳолининг товарларга бўлган талабларини тўлароқ қондириш учун нималар қилиш кераклигини аниқлаш ҳисобланади.

Истеъмолчиларни тадқиқ қилиш истеъмолчиларни товарни танлашга ундовчи омиллар мажмуини (даромад, ижтимоий ҳолат, ёш тузилмаси, маълумоти ва ҳоказо) аниқлаш ва ўрганишга имкон беради. Якка тартибда истеъмолчилар, оиласалар, уй хўжаликлари ҳамда истеъмолчи ташкилотлар бу ерда обьект вазифасини бажаради. Тадқиқот предмети истеъмолчиларнинг бозордаги хулқатвори ва уни белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади. Истеъмол тузилмаси, товарлар билан таъминланганлик, истеъмол талаби тенденциялари ўрганилади.

Маркетинг учун товарни харид қилиш психологияси ва эҳтиёжларни ушбу товар билан қондириш механизмини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Фақат шундагина маҳсулот кўп сотилишига умид қилиш мумкин. Таклиф этилувчи маҳсулот аввало, истеъмолчи учун фойдали бўлиши, ундан кейингина ишлаб чиқарувчининг ўзига ёкиши лозим.


Рақобатчиларни ўрганишдан асосий мақсад бозорда рақобатли афзалликка эга бўлиш, кутилажак рақиблар билан ҳамкорлик қилиш учун зарур маълумотларни

олишдан иборат. Шу мақсадда рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонлари таҳлил қилиниб, уларнинг бозордаги улуси, истеъмолчиларнинг рақобатчилар маркетинг воситаларига (товарни такомиллаштириш, товар маркалари, реклама компаниялари, сервисни ривожлантириш) реакцияси ўрганилади. Рақобатчиларнинг моддий, молиявий ва меҳнат салоҳияти, меҳнат фаолиятини бошқаришни ташкил қилиши ўрганилади. Бундай тадқиқотлар натижасида бозорда рақобатчиларга нисбатан қулай ҳолатга эришиш учун имконият ва йўл танлаш, таклиф этилаётган товарларнинг нарх ва сифат бўйича устунлигини таъминлаш стратегиясини аниқлаш мумкин бўлади.

#### 1.4 Баҳо сиёсати

Баҳо сиёсати - баҳо ва баҳони шакллантиришни бошқариш санъати, қўйилган мақсадларга эришиш учун маҳсулот ва корхонанинг бозордаги холатидан келиб чиқиб маҳсулот баҳосини белгилаш санъатидир<sup>3</sup>. Бу эса тадбиркордан менеджердан юқори маҳорат талаб қиласи. Баҳо сиёсати баҳо стратегиялари орқали амалга оширилади ва факат корхонанинг умумий сиёсати йўналишида кўриб чиқилиши керак.

Бизнес-режада корхона баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни 1-расмда келтирилган.



<sup>3</sup> Каранг, Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика / Серия «Учебники и учебные пособия» - Ростов н/Д. «Феникс», 2003. - 188 бет

1-расм. Баҳо сиёсатини ишлаб чиқиши босқичлари.

Баҳо сиёсатини мақсадларини қўйиш. Корхона баҳо сиёсатининг мақсадлари, «Корхонанинг тавсифланиши» бўлимида кўрсатилган умумий мақсадлар асосида шаклланади.

Одатда баҳо сиёсатининг учта узоқ муддатли мақсадларини ажратиб кўрсатилади:

- сотишни таъминлаш (яшаб қолиш, сотиш хажмини таъминлаб туриш);
- фойдани максималлаштириш;
- бозорни сақлаб қолиш;

Сотишни таъминлаш - бозорда кўплаб ўхшаш ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган қаттиқ рақобат шароитида фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий мақсади. Бозорни катта қисмини эгаллаш ва сотиш хажмини ошириш учун пасайтирилган баҳолар - кириб бориш баҳолари қўлланилади.

Фойдани максималлаштириш мақсадини қўйилиши, корхона ўз жорий фойдасини максималлаштиришга интилаётганлигини билдиради. Корхона баҳонинг турли даражаларида талаб ва харажатларни таҳлил қиласи ва харажатларни максимал қопланишини таъминлайдиган баҳони танлайди.

Бозорни сақлаб қолиш мақсади корхонанинг бозордаги мавжуд ҳолатини ва ўз фаолияти учун мақбул шароитларни сақлаб қолишни кўзда тутади. Бу эса сотиш хажмини тушиб кетиши ва рақобат курашининг кескинлашувини олдини олиш учун турли чора-тадбирларни қўллашни талаб қиласи.

Узоқ муддатли мақсадлардан ташқари корхона баҳо сиёсатининг қисқа муддатли мақсадларини ҳам қўйиши мумкин. Уларга одатда қўйидагиларни киритиш мумкин:

- бозордаги ҳолатни барқарорлаштириш;
- баҳо ўзгаришининг талабга таъсирини камайтириш;
- маҳсулот баҳоси бўйича етакчиликни сақлаб қолиш;
- мумкин бўлган рақобатни чеклаш;
- корхона ёки маҳсулот имиджини ошириш;
- бозорда заиф мавқеда турган товарларни сотишни рағбатлантириш.

Талабни аниқлаш бизнес-режанинг "Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш" бўлимида муфассал ёритилади(8.2§).

Харажатларни баҳолаш. Товар баҳосининг қуи чегараси уни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар даражаси орқали аниқланади. Бу ҳисоб-китоблар бизнес-режанинг "Ишлаб чиқариш режаси" бўлимида амалга оширилади.

Корхонанинг баҳо стратегияси.

Бизнес-режада ишлаб чиқарилаётган товарлар бўйича корхонанинг баҳо стратегиясини кўрсатиш мумкин.

Юқори баҳо ёки «қаймоғини олиш» стратегияси - аввало товар баҳосини ишлаб чиқариш нархидан анча юқори ўрнатиб, аста-секин уни тушириб боради. Бу усул билан янги товарлар (патентлар билан ҳимояланган) сотилади ва бозорга киргандан кейин сегментлар гурӯҳини кенгайтириш мақсадида арzonлаштириб борилади. Юқори баҳо стратегияси корхонага харажатларни тезда қайтариб олишга ёрдам беради. Кейинчалик бозорда ўхшаш товарлар - рақиблар пайдо бўлгандан

кейин корхона ўз товари нархини тушира бошлайди ва бошқа сегментлар учун янги товарлар модификациясини яратади.

«Паст баҳолар» ёки «бозорга ёриб кириш» стратегиясида маҳсулотга дастлаб паст баҳо ўрнатилади ва талабни рағбатлантирилади. Рақиблар бозордан сиқиб чиқарилади ва асосий улуш эгалланади, секин аста маҳсулот баҳоси ошириб борилади. Бу стратегияни қўллаш қуйидаги шароитларда мақсадга мувофиқ: бозор баҳо ўзгаришига жуда сезгир ва паст баҳолар унинг кенгайишига ёрдам беради; харажатларнинг ўсиб бориши билан ишлаб чиқариш ва сотиш хажми қисқариб боради; рақобатчилар учун паст баҳолар қизиқарли эмас.

Баҳони шакллантириш усулини танлаш.

Бизнес-режада корхона баҳони белгилашда фойдаланадиган усувларни кўрсатиш лозим. Баҳони шакллантиришнинг энг кўп қўлланиладиган усувларни кўриб чиқамиш:

- ўртача харажатлар қўшув фойда;
- зарарсизлик ва мақсадли фойда;
- товарнинг қиммати бўйича тутган ўрнига йўналтирилган;
- рақобатга йўналтирилган.

### **Корхонанинг баҳо тактикаси.**

Бошланғич, дастлабки баҳони белгилаш ва унинг мақсадига мувофиқ ўзгариши йўналишларини аниқлаб олиш билан баҳони шакллантириш жараёни тўхтаб қолмайди. Баҳони белгилашда бозорни ўзгаришини ҳисобга олиб бориш лозим, лекин маҳсулотнинг баҳосини (нархи) ўзгариши белгиланган баҳонинг юқори ва қуи чегарасида бўлиши керак. Бозор талабларига кўра баҳони тўғрилаб бориш, ишлаб чиқарувчилар томонидан бир қатор қарорлар қабул қилишни кўзда тутади. Натижада маълум босқичдаги маҳсулотнинг охирги баҳоси ўрнатилади.

Корхонанинг баҳо тактикаси ёки дастлабки баҳони тўғрилаб бориш йўналишларининг энг асосийларини кўриб чиқамиш.

Узоқ муддатли баҳони белгилаш. Истеъмолчиларда маълум бир маҳсулот тўғрисида ва унинг белгиланган баҳоси тўғрисида тасаввурлар пайдо бўлиши учун баҳо ўзгармасдан қолади ҳамда бозор ўзгаришларига берилмайди. Бундай барқарор баҳоларни шундай маҳсулотларга қўйиш керакки, уларга бўлган талаб ҳам барқарор ўзгармас бўлсин.

Ўзгарувчан (қайишқоқ) баҳоларни белгилаш. Маҳсулот баҳоси бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришига кўра белгиланади. Баҳолар бир куннинг ичида ҳам бир неча марта ўзгариши мумкин.

Дискриминация баҳоларини белгилаш. Дискриминацион (бир хил бўлмаган) баҳоларни белгилашда корхона бир хил маҳсулот ёки хизмат учун турли хил шаклда, турли хил баҳо белгилайди:

- харидорларнинг турли хиллигини ҳисобга олган ҳолда. Масалан, талabalар, ногиронлар, нафақаҳўрлар, ветеранлар бир хил маҳсулот учун турли нарх тўлайдилар;
- товарнинг вариантларини ҳисобга олган ҳолда.

Товарнинг турли вариантлари турли баҳоларда сотилади ва унда вариантлар бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи ҳисобга олинмайди. Масалан, қадоқлаш идиши бошқаларига нисбатан 20%га қимматга тушган атирни бошқаларига нисбатан икки баробар қиммат баҳода сотиш:

- жойни ҳисобга олган ҳолда. Товар турли жойларда ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлса ҳам турли баҳоларда сотилади. Масалан, театр

паттаси томошибинлар қайси жойни күпроқ хохлашларига кўра турли баҳода бўлади;

- вақтни ҳисобга олган ҳолда. Баҳолар мавсумга, кунга, хафтага ва сутканинг қайси соатига кўра ўзгариши мумкин. Масалан, уяли алоқа хизмати кечаси ва дам олиш кунлари арzonроқ бўлиши мумкин.

Психологик жихатдан жозибадор баҳолар белгилаш. Бунда харидорлар психологияси ҳисобга олинади. Баҳони бутун сон эмас ундан бир оз камроқ рақамларда белгиланади. Масалан, атирнинг баҳоси 1000 сўм эмас 990 сўм белгиланади.

Товар ассортиментини баҳоларнинг босқичма-босқич ўзгариши асосида сотиш. Корхонада одатда бир маҳсулотнинг бир неча турлари ва маркаларини ишлаб чиқилади. Бунда алоҳида марка ва моделдаги товарларга қўйиладиган баҳоларнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси туғилади. Харидор бир маҳсулот сифат даражасининг иккинчисидан фарқини аниқ билиши учун баҳолар бир-биридан кескин фарқ қилиши керак. Масалан, NEXIA автомобилининг ДОНС ва ОНС турлари мавжуд ва уларнинг баҳолари ҳам ҳар хил.

Баҳони бозор суғуртасини (кафолатини) таъминлаш.

Баҳони шакллантиришнинг охирги босқичи тузатишлар киритилган охирги баҳони суғурталаш ёки кафолатлашдир. Бундай суғурталашни олди-сотди шартномалари ёки етказиб бериш шартномаларига бир қатор қўшимча шартлар киритиш йўли билан амалга оширилади. Бундай шартлар бизнес-режада албатта кўрсатилиши керак.

Бозор баҳоларини ўзгариши бўйича шартномага қўшимча шартларни киритиш мумкин:

а) баҳоларни пасайиши бўйича қўшимча шарт - бозор баҳосининг ҳар қандай пасайиши, шартномада белгиланган баҳоларни пасайишига олиб келади. Баҳонинг ошиб кетиши эътиборга олинмайди;

б) бозор баҳосини ошиб бориши бўйича қўшимча шарт - бозор баҳосининг ҳар қандай ошиши шартномада белгиланган баҳонинг ошишига олиб келади;

в) баҳонинг ҳар қандай ўзгариши бўйича қўшимча шарт - бозор баҳосининг ўзгаришига кўра шартнома баҳолари ошиши ёки пасайиши мумкин.

Харажатларнинг ошиб кетиши ёки камайиши эҳтимоллиги.

Бизнес режани ишлаб чиқиша инфляция бўйича таваккалчиликни (хавфни) маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида турли шаклдаги шартномаларни тасдиқлаш орқали тақсимлаш мақсадга мувофиқ бўлади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Шартномалар шакли бўйича таваккалчиликни тақсимланиши.

Баҳо таваккалчилигини тақсимланиши	Шартнома шакллари
Таваккалчилик тўлалигича таъминотчи, етказиб берувчи бўйнида.	Ўзгармас баҳо. Маълум шароитларда баҳони қайта кўриб чиқиши. Ўзгарувчан баҳолар.
Таваккалчилик тўлалигича истеъмолчи, харидор бўйнида.	Етказиб бериш вақтидаги ҳақиқий баҳо. Етказиб берувчининг харажатлари қўшув фойда меъёри.

### 1.5. Маҳсулотни бозорга чиқариш стратегияси

Бизнес- режада ишлаб чиқарилган товарни сотиш каналлари ва ҳаракатланиш тизимини ёритиб бериш зарур.

Товар ҳаракатланиши ва сотувни тадқиқ қилиш товарни истеъмолчига тез етказиб бериш ва сотишнинг энг самарали ва оқилона йўллари, усуллари ва воситаларини аниқлашга имкон беради. Савдо каналлари, воситачилар, сотув шакл ва усуллари, муомала харажатлари (савдо харажатларини олинадиган фойда билан солишириш) тадқиқот объектлари ҳисобланади. Шунингдек, чакана ва улгуржи савдода турли хил корхоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, уларнинг кучли ва заиф томонлари, товар ишлаб чиқарувчилар билан вужудга келган муносабатлар характери аниқланади. Бундай маълумотлар корхона товар айланмасини ошириш, товар заҳираларини оптималлаштириш, самарали товар ҳаракатланиши каналларини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш, товарни пировард харидорларга сотиш усулларини ишлаб чиқиш, муомала харажатларини камайтиришга имкон беради.

Реклама ва сотувни рағбатлантиришни тадқиқ қилиш қачон, қаерда ва қандай воситалар ёрдамида товарлар сотувини рағбатлантириш, товар ишлаб чиқарувчининг бозордаги нуфузини ошириш, реклама тадбирларини муваффақиятли ўтказишни аниқлашга имкон беради. Объектлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: таъминотчилар, воситачилар ва харидорларнинг бозордаги хатти-ҳаракатлари; реклама самарадорлиги; харидорлар билан алоқалар. Олинган натижалар «паблик рилейшнз» сиёсатини ишлаб чиқиш; корхона ва унинг товарларига илиқ муносабат уйготиш; корхона имиджини яратиш; аҳоли талабларини шакллантириш ҳамда таъминотчи ва воситачиларга таъсир кўрсатиш усулларини аниқлаш; коммуникация алоқалари, жумладан, рекламанинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

Ҳар қандай товарга талаб иккита компонентнинг: кутилаётган харидорнинг тўлов лаёқатига эгалиги ва унинг ўз муаммоларини таклиф этилаётган товар ёрдамида ҳал қилиши, яъни ўз эҳтиёжини қондириш истаги мавжудлигининг натижасидир. Бозорда бир вақтда бир нечта рақобатдош товарлар мавжудлиги сабабли ҳар бир корхона ва фирма харидорнинг товар танлашда ўзига эътибор қаратишига таъсир кўрсатишга интилади. Бундай таъсир воситаси реклама, товарнинг истеъмол хусусиятларини тарғиб қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда сотувни работлантириш ва reklama махсулот тақсимоти ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш каналларига катта ўрин ажратилмоқда.

Чет элда амалиётда товарларни ишлаб чиқарувичидан истеъмолчи томон ҳаракатлантиришнинг икки усули ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи усул силжитиши стратегияси номи билан машҳур. Бу ҳолда корхона дилерларни харид қилинган ҳар ўнта товар учун битта товарни бепул бериш йўли билан рағбатлантиради. Иккинчи усул интенсив реклама кампаниясини ўтказиш йўли билан харидорларни жалб қилиш стратегиясидир. Унинг мақсади харидорларни таклиф этилаётган товар ёки хизмат тавсифномалари билан таниширишдан ташқари, уларда реклама қилинаётган товар ёки хизматни харид қилиш истагини уйғотиш ҳисобланади.

Товарни бозор томон ҳаракатлантиришни рағбатлантириш сўнгги пайтда ФОССТИС тизими (талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш хизмати) ёрдамида амалга оширилиб, унда товарни ишлаб чиқариш, уни ҳаракатлантиши ва реклама қилиш жамият эҳтиёжлари билан боғланаши.

ФОССТИС - талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш хизмати (инглизча-formation of demand and stimulation of sale) комплексига реклама, товар

ҳаракати ва жамоатчилик билан алоқалар киради. Бу воситалар нафақат талабни шакллантириш (ФОС), балки сотовни рафбатлантиришга ҳам таъсир кўрсатади. ФОС тадбирлари потенциал харидорга йўналтирилган бўлиб, уни янги бозорга эндиғина чиқарилаётган товар билан таниширилади. «Таниширувчи реклама», кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш усуllibаридан фойдаланилади. Мақсади - истеъмолчилар онгида маҳсулот образини шакллантириш ва фақатгина шу маҳсулот бошқаларидан кўра кўпроқ белгиланган талабни қондиришини кўрсатиши.

СТИС тадбирлари бозорда янгилик ҳисобланмайдиган товарларни сотишни кенгайтиришга ёрдам беради. Бундай товар ҳақида ФОС тадбирлари ва харидорнинг ўз тажрибаси асосида маълум тасавурлар пайдо бўлган. СТИСнинг вазифаси эса харидорни яна харидга ундаш ҳамда товарнинг бозордаги ҳаётийлик босқичи ва корхонанинг баҳо сиёсатига кўра янги сегментларда тарқалишини, бозордаги улушини оширишни таъминлашдан иборат. Харидор учун товарни ФОССТИСнинг қайси тадбири орқали сотиб олганлигини қизиги йўқ. Лекин ФОССТИС тадбирларига маблағ ажратадиган корхона раҳбари учун муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра таъсир доирасини янада аниқроқ белгилаш (ахборотларнинг йўналтирилганлиги), оммавий алоқа каналларининг мақбулларини танлаш, товарнинг ижобий томонларини тўлароқ ёритиш, кўргазмали воситалар, матнлар мазмуни ва шаклини мувофиқлаштириш имкониятларини баҳолаш мумкин.

ФОССТИСнинг коммуникатив таъсирига кўра харидорлар товарни юқори истеъмол қийматига эга деб тасаввур қиласилар. ФОССТИС тадбирларига қилинадиган харажатларни режалаштиришда маблағларни қуидагича тақсимлаш мақсадга мувофиқ:

- матбуотда реклама (ФОС) учун - 30%;
- босма нашр шаклдаги (проспектлар, каталоглар) реклама учун -15%;
- кўргазма ва ярмаркалар учун - 15%;
- тўғридан-тўғри рекламага - 10%;
- ёдгорликлар (сувенирлар) ва бошқа тадбирлар (СТИС) учун - 7,5%;
- дилерлар, агентларнинг ишлаб чиқарувчи корхона билан танишиш учун хизмат сафарларига -7,5%;
- жамоатчилик билан алоқалар (PR) учун - 7,5%
- кўзда тутилмаган тадбирлар учун - 7,5%

## 1.6. Коммуникатив сиёсат ва маркетинг бюджети

Бизнес-режада корхона коммуникатив сиёсати дастурларининг асосий коидалари кўрсатилади<sup>4</sup>:

- мақсадлар;
- вазифалар;
- фирма стили;
- стратегиялари;
- маркетинг коммуникациялари комплексининг тузилмаси;

Коммуникатив сиёсатнинг мақсадларига қуидагиларни киритилиши мумкин: маълум бир товарнинг (марканинг) бозорда ўз жойини топиши ва уни кенгайтириб бориш ёки ундан қисқа муддатли фойда олишни таъминлаш.

<sup>4</sup> Карап, Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика / Серия «Учебники и учебные пособия» - Ростов н/Д. «Феникс», 2003. -211 - 228 бетлар.

Коммуникатив сиёсатнинг вазифалари: талабни рағбатлантириш; товарнинг хусусиятлари ва турлари, хизматнинг сифати тўғрисида ахборот бериш; корхона имиджи ва нуфузини шакллантириш ва тарқатиш; кўргазмалар, ярмаркалар ва баҳони турлари тўғрисида ахборот тарқатиш ва бошқалар.

Фирма стили - корхона томонидан ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар бирлигини таъминловчи ҳамда корхона ва унинг маҳсулотларини рақобатчилар билан таққослашни таъминловчи усуллар.

Фирма стили - ўз ичига қўйидагиларни олади:


- логотип - корхонанинг тўла ёки қисқа номини маҳсус ишлаб чиқилган ёзишиш шакли;
- фирма блоки - товар белгиси ва логотипини уйғунликдаги қўшилмаси, фирма шиори, фирма танлаган ранг, фирма танлаган ёзув шрифтлари, фирма мадхияси.

Фирма стилининг асосий вазифаси шундаки, истеъмолчида унинг ҳар соҳада тартибли эканлиги, маҳсулотларининг наъмунали эканлиги тўғрисида ишонч уйғотишидир.


Коммуникатив сиёсат стратегияси бозорни ўрганилгандан кейин ишлаб чиқилади. Уларни умумлаштириб иккига ажратиш мумкин (2-расм).

Мажбурий ўтказиш стратегияси - товар ҳаракатини бевосита истеъмолчиларга йўналтириш. Истеъмолчилар талаблари ўсиб бориши билан савдо ташкилотлари товарни сотиши учун корхона билан мажбурий алоқага киришадилар.

Сиқилиб кириш стратегияси - товарни силжитиш(ҳаракатлантириш) воситачига йўналтирилади. Воситачи эса савдо каналлари орқали тақсимлашни уюштиради.



### 1. Мажбурий ўтказиш стратегияси



### 2. Сиқилиб кириш стратегияси.

#### 2-расм. Коммуникатив сиёсат стратегиялари

Маркетинг коммуникациялари комплекси ўз ичига қўйидаги воситаларни олади: реклама, сотувни рағбатлантириш, шахсан сотиши, жамоатчилик билан ишлаш, тўғридан-тўғри маркетинг, спонсоринг, маҳсулот-плейсмент, брэндинг.

Энг мақсадга мувофиқ, самарали комплексни аниқлашда ҳар бир ташкил этувчи воситаларнинг кучли ва кучсиз томонларини ҳамда самарали бўлиш шартларини хисобга олиш лозим.

Реклама - бу маълум спонсор номидан гоялар, товарлар ҳамда хизматларни таклиф ва тақдим этишининг ҳар қандай пуллик шакли.

Шахсан сотиши - сотувчининг харидор билан алоқага киришишини кўзда

тутади. Бунда маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари тўғрисида оғзаки тушунчалар берилади ва маҳсулотни олди-сотдиси бўйича бир қарорга келинади.

Жамоатчилик билан ишлаш (алоқалар) ёки паблик рилейшнз корхонанинг мақбул имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашга, корхона фаолият юритишининг зарурлиги ва унинг жамият ҳаётига ижобий таъсир этишига жамоатчиликни ишонтиришга йўналтирилган.

Бу вазифаларни бажаришга қуйидаги тадбирлар орқали эришиш мумкин: журналистлар учун ахборотлар тайёрлаш; брифинг; пресс-конференция; очик эшиклар кунларини ўтказиш; корхона фаолияти тўғрисида кўргазмалар ва маросимлар ўтказиш; спонсорлик; фан тадқиқотлар, таълим, санъат ва спортни қўллаб-қувватлаш; атроф мухитни ҳимоя қилиш бўйича фаолият; болалар ва нафақаҳўрларга ғамхўрлик қилиш.

Тўғридан-тўғри маркетинг деб, маҳсулотни сотиш мақсадида истеъмолчига бевосита таъсир ўтказиш ва мижоз билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришни тушунилади.

Тўғридан-тўғри маркетингнинг бешта шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- почта орқали тўғридан-тўғри маркетинг - почта орқали потенциал харидорларга жўнатмалар, хатлар, реклама, наъмуналар, проспектлар жўнатиш;
- каталоглар бўйича маркетинг - мижозларга юборилган каталоглар ёки сотиш жойларида тақдим этиладиган каталоглар орқали товар сотишни ташкил этиш;
- телефон орқали сотиш. Фирма ходимлари буюртма олиш ва реклама орқали олган ахборотлари бўйича маълумот бериш учун мижозларга бепул телефон рақамларини берадилар.
- телевидение орқали маркетинг. Масалан, "Телемагазин", "Уйда диванда ўтириб савдо" ва бошқалар.

### **Электрон савдо - интернет орқали сотиш.**

Спонсоринг - бу ўзаро манфаатдорлик тамойили асосидаги фирманинг спонсорлик фаолияти. Спонсорингнинг ҳозирги пайтда тўртта тури мавжуд: спорт соҳасида спонсоринг; маданият соҳасида спонсоринг; ижтимоий спонсоринг; экоспонсоринг.

Маҳсулот-плейсмент деганда товарни силжитиши ва жойлаштиришнинг шундай шакли тушуниладики унга қўра медиадастурларда (кино, видео ва телевизион дастурларда) маҳсулотни ёки хизматни реклама қилиш билан маҳсулотни бозордаги ҳолатини яхшилашни биргалиқда олиб борилади.

Брэндингни маълум бир товарнинг алоҳида брэнд-имиджини яратиш ва истеъмолчи онгига сингдириш бўйича реклама берувчининг, савдо ташкилотларининг ҳамда реклама агентлигининг биргалиқдаги ижодий иши сифатида тушуниш мумкин.

Хозирда товарлар рақобати брэндлар рақобати даражасига кўтарилганини мутахасислар эътироф этилмоқда.

Брэнд - бу харидорнинг рақобатчи маҳсулотлардан фарқ қилувчи маълум бир товар маркаси ҳақидаги тасаввурлари. Масалан, "Мерседес бенц" енгил автомобилларнинг дунё бозоридаги кучли брэндларидан бири.

### **Маркетинг бюджети.**

Бизнес-режанинг ушбу моддасида маркетингга охирги уч йилда қилинган

харажатлар ва режалаштирилаётган даврдаги харажатлар келтирилади.

Хозирги давргача бюджетни шакллантиришнинг ягона услубияти ишлаб чиқилмаган бўлиб, ҳар бир корхона маркетинг бўйича харажатлар моддаларини аниқлашда ўз ёндошувидан фойдаланади ва қандай ахборотларни унда акс эттиришни ўзи белгилайди.

Маркетинг бюджетини ҳисоблашда қуидаги услублардан фойдаланиши мумкин.

а) «имкониятларга кўра» молиялаштириш услуби - маркетинг ва истеъмолчилардан кўра ишлаб чиқаришга устиворлик берувчи корхоналар томонидан кўлланади. «Қанча маблағ ажратиш имкониятига эгасиз» тамойилига асосланади;

б) қатъий фоизлар услуби - маркетинга ажратиладиган маблағлар сотиш хажмининг ўтган даврлардаги, жорий ёки келгуси миқдорига нисбатан улушларда ажратилади;

в) «рақобатчига мўлжалланган» услуб - маркетингга харажатлар даражаси бозорда ресурслари ва улушига кўра ўзига яқин турган рақобатчининг харажатларига кўра белгиланади;

г) максимал харажатлар услуби – «иложи борича кўпроқ харажатлар маркетингга» тамойилига асосланади;

д) мақсад ва вазифаларга асосланган услуб - корхонада қўйилган мақсадларга эришиш учун маркетинг тадбирларини олиб бориш харажатлари калкуляциясига асосланади.

Бюджетнинг ҳажми аниқлангандан сўнг бажариладиган тадбирлар бўйича тақсимланади.

### **Кейс учун ишлаб чиқилган муаммоли вазият**

"Қувасойцемент" ОАЖ тўғрисидаги маълумотлар

Корхона ишлаб чиқарувчи хужалик фаолиятининг умумий тавсифи. Умуман Ўзбекистон бўйича цемент ишлаб чиқариш тармоғида 4 та корхона фаолият олиб боради ва уларнинг умумий қуввати 6.5 млн. Тоннадан қўпроқдир.

«Қувасойцемент» ОАЖ Ўзбекистоннинг энг зич аҳоли, 7 млн.дан кўп яшайдиган минтақасида – Фарғона водийсида жойлашган. Унинг географик жойлашуви ва транспорт тармоғининг ташқарига Тожикистон орқали ўтиши унинг ушбу минтақадаги бозорда қулай холатни вужудга келтиради.

### **4-жадвал**

#### **Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган цемент заводлари**

Корхона	Йиллик лойиҳа қуввати, минг тонна	Ишга туширилган йили	Ишлаб чиқариш усули
"Кизилкумцемент" ОАЖ	3 080	1977	қуруқ
"Охангаронцемент" ОАЖ	1 736	1962	хўл
"Қувасойцемент" ОАЖ	921	1932	хўл
"Бекободцемент" ОАЖ	714	1927	хўл
Жами:	6 451		

Манба: "Ўзқурилишматериаллари" АК

«Қувасойцемент» ОАЖ Фарғона вилоятининг жанубий-шарқида Қирғизистон Республикаси чегарасига яқин жойда жойлашган бўлиб 1932 йилда ишга

туширилган ва унга 1956 йили Охак заводи, 1958 йили шифер заводи қўшилган. 1995 йили акционерлик жамиятига айлантирилган.

Жамият халқаро ташкилотлар эътироф этган юқори сифатли М-400 ва М-500 маркали портландцемент, сульфатга чидамли М-400 Д-20 маркали цемент, шифер, охак, қурилиш ганчи (гипс) маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Корхона бир неча марта модернизация қилинган. Цемент маҳсулоти асосий бўлиб “хўл” усулда ишлаб чиқарилади. Хом ашё илгари Қирғизистондан келтириларди. Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида 1999 йилдан бери Логон оҳактош кони ўзлаштирилди. Бундан ташқари жамиятда аввало Россия Федерациясидан келтириладиган майдаловчи жисмлар, айланма ва шахтали печларни иссиқлик агрегатларини ҳимояловчи ўтга чидамли шамот ғиштларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқори зўриқишига чидамли подшипник корпушлари, бронза сухариклар, шламнасос корпушлари ва қопқоқлари ҳамда ҳар–ҳил ўлчамдаги валларни тайёрлаш тайёрлаш, корхона шароитида ўзлаштириб четдан валютага сотиб олишга бархам берилди.

Фаргона вилояти адлия бошқармаси томонидан 20-июнь 1995 йил 434-тартиб рақами билан «Қувасойцемент» ОАЖ нинг таъсис хужжатлари руйхатга олинган. Жамиятнинг низом сармояси 317765000 сўмни ташкил этади ва унинг акциялари қуидаги жадвалга кўра тақсимланади:

#### 5-жадвал

#### Жамиятнинг таъсисчилари

Муассислар	Муассислар улуши, %	Акциялар миқдори	Акциялар қиймати
“TOP QUALITY STYLE LTD.	59.45	377826	18891150
“Ўзқурилишматериаллари” АК	10.2	64427	32213500
Пахта банк	8.11	51542	25771000
Қувасойтаъмирловчи	0.615	3911	1955500
“Ҳамроҳ Инвест” ХИФ	0.727	4620	2310000
“Мулк” ХИФ	0.233	1480	740000
“Сарватинвест” ХИФ	0.266	1688	844000
Жисмоний шахслар	9.754	61994	30997000
“АЛП Жамол банк”	0.975	6196	3098000
Мехнат жамоаси	9.732	61850	30925000
Жами	100	635531	3177655000

#### 2.2. "Қувасойцемент" ОАЖ ташкилий тузилмаси

«Қувасойцемент» ОАЖ таркибига кирадиган барча бошқармалар ва цехлар мос ҳолда йўналишлар бўйича директорларга бўйсунади.

Жамиятнинг бошқарув органлари қуидагилар:

- олий бошқарув органи (акционерларнинг умумий йиғилиши);
- ижроя органи (бошқарув)
- назорат органи (тафтиш ҳайъати).

Кузатув кенгаши олий орган томонидан белгилади ва 7 кишидан иборат бўлади. У бошқарув фаолиятини назорат қиласи.

Бошқарув таркиби 7 кишидан иборат бўлади ва жамият ишларини ташкил этади, ялпи йиғилишга фаолият бўйича йиллик ҳисобот тақдим этади. Бошқарувга

раис раҳбарлик қилади ва жамият номидан иш юритади. Бошқарув аъзолари 3 йилга сайланади.

Тафтиш ҳайъати жамият бошқарувининг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат олиб боради ва 5 кишидан иборат бўлиб 3 йилга сайланади. Тафтиш комиссияси корхонани 1 йилда бир марта тафтиш қилади, маълумотларни ялпи йигилишга ва кузатув кегашига тақдим этади.



3-расм. «Кувасойцемент» ОАЖ ялпи йигилиши тузилмаси

2.3. «Кувасойцемент» ОАЖ нинг 2007-2009 йилларда ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

#### 6-жадвал

#### «Кувасойцемент» ОАЖ нинг 2007-2009 йилларда ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий қўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		2007 й.	2008 й.	2009 й.	Ўзгариш 2009й.да 2008й.га нисбатан,%
Сотилган маҳсулот ҳажми, жорий баҳоларда	Минг сўм	29999613	45899408	70253438	153
Товар маҳсулот ҳажми солиштирма баҳоларда	Минг сўм	45746076	48033380	50813274	105.8
Товар маҳсулот ҳажми жорий баҳоларда	Минг сўм	29971001	45855632	70428340	153.8
Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннаҳхи	Минг сўм	25505745	31627124	39425536	124

сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, давр харажатларини хисобга олган ҳолда	Минг сўм	26930150	37797376	49982870	132
Товар маҳсулот фойдаси	Минг сўм	3040851	8058256	21365524	265
Махсулот сотишдан олинган фойда(ялпи фойда)	Минг сўм	3069463	7958966	20408906	256
1сўмлик товар маҳсулоти учун харажатлар	тийин	95.7	82.4	71	86.16
Ишловчилар сони	Киши	3071	3016	2961	98
Шу жумладан саноат-ишлаб чиқариш ходимлари	Киши	2792	2739	2686	98
Иш ҳақи фонди	Минг сўм	3145520	4211852	5639060	133
Ўртача иш ҳақи	Сўм	84788	115990	158703	136
Меҳнат унумдорлиги	Сўм	16384697	17536830	18917824	107
Иш ҳақининг товар маҳсулот қийматидаги (жорий баҳоларда) улуши	%	10.4	9.2	8	-
Сотилган маҳсулот рентабеллиги	%	10	17.3	40.9	-
Товар маҳсулот рентабеллиги	%	10.13	21.3	42.7	-

Жадвал маълумотларидан кўринадики “Қувасойцемент” ОАЖнинг 2007-2009 йиллардаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ижобий ўзгарган. Сотилган маҳсулот ҳажми, жорий баҳоларда 2007 йилда 29999613 минг сўмни ташкил этган бўлса 2009 й.га келиб 2баробардан кўпроқга ортиб 70253438 минг сўмга етган. Бу албатта маҳсулотга бўлган талабни ошиб бориши, истеъмолчилар сафининг кенгайиши ҳамда маҳсулот сифатининг юқори даражалигидан дарак беради. Таҳлил қилинаётган охирги уч йилда товар маҳсулот ҳажми ҳам ортиб борган ва 2009 й. да жорий баҳоларда 70428340 минг сўмни ташкил қилган, бу ўтган йилга нисбатан 153%га ўсишни кўрсатади.

Албатта маҳсулот ҳажми ортгани сари сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ҳам ўзгариб боради. Агар у 2008 йилда 31627124 минг сўмни ташкил қилган бўлса 2009 й.да 39425536 минг сўмни ташкил этган, лекин унинг ўсиши маҳсулот ҳажмининг ўсишидан кам бўлиб 124% ни ташкил этади. Бу албатта ижобий ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин.

Ушбу даврда товар маҳсулот фойдаси ва маҳсулот сотишдан олинган фойда(ялпи фойда) кўрсаткичлари 2.5 баробардан кўпроқ ортгани ҳолда бир сўмлик товар маҳсулоти учун харажатлар камайган ва 71 тийинга ёки 86.16% га ўтган йилдан камайган.

Корхонада умумий ишловчилар сони давр бошига нисбатан 110 кишига камайгани ҳолда иш ҳақи фонди ортиб борган ва 2009 йили 5639060 минг сүмни ташкил қиласи ёки олдинги йилга нисбатан ўсиш 133%ни ташкил қиласи.

Мехнатга мотивациянинг ошиши, унинг унумдорлигининг ортиши ҳисобига ўртача ойлик иш ҳақи 136%га ошган.

Фаолиятнинг нисбий кўрсаткичларининг ўзгариши ҳам ижобий ўзгаришга эга. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ортиб бориб 2009 йили 40.9%га етган, товар маҳсулот рентабеллиги эса 42.7 %ни ташкил этган, бу давр бошига нисбатан 4 марта га ошганлигини кўрсатади. Бу ҳолат сотиш бозоридаги ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

#### 2.4 Бизнес-режанинг ишлаб чикариш бўлимининг бажарилиши тахлили.

Бизнес-режа — бу хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан биридир. Шу билан бирга у:

- корхона раҳбарларига стратегия ҳолатини аниқ белгилашга ёрдам бериб, самарали бошқаришга олиб келади;
- бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга оширишни ўргатади;
- ҳақиқий фаолиятни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашга ҳам ўз вақтида уларга ўзгартишлар киритишга ёрдам беради;
- корхона фаолияти бўйича керакли ахборотларни банкларга инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.

Бизнес-режа корхонанинг иш жараёнини тасвирлаб, корхона раҳбарларининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, биринчи навбатда ишнинг даромад келтиришини қай тариқа ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонанинг ўсиб боришига, бозорда янги мавқеларни қўлга киритишга, ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга, янги товарлар ишлаб чикариш ва янги хизмат турларини яратишда мўлжалларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усусларини танлаб олишга ёрдам беради.

Бизнес-режа корхонанинг ички ҳужжати бўлибгина қолмай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан аввал лойиҳанинг синчиклаб ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилишлари ва унинг самарали эканлигидан хабардор бўлишлари керак. Улар сармоя бериш имкониятларини кўриб чиқишидан олдин бизнес-режани синчиклаб ўрганиб чиқишиди, сўнгра лойиҳани ишлаб чиқсанлар билан учрашадилар.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бизнес-режа ҳамма учун ўта зарурдир. Унинг долзарблиги куйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, иқтисодиётимизга бозор муносабатлари кириб келмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар бозор шароитида вужудга келадиган муаммоларни тасаввур эта олмайдилар. Уларга жавоб берадиган даражада тайёр эмаслар;
- иккинчидан, бутунлай ўзгариб бораётган хўжалик фаолияти соҳаси катта тажрибага эга бўлган раҳбарларнинг иш ҳам юритишда ўзгартириш киритишларини тақозо этади ва айниқса, ҳозирги кунда бир нарса — ракобатга тайёр бўлиб туришга чакиради. Бу соҳада иккинчи даражали ишлар бўлмайди;

•учинчидан, хориждан инвестиция олиш зарур, бунинг учун буюртмаларимизни исботлаб бериш қобилиятига эга бўлишимиз, инвестиция маблағларининг ҳар бир жиҳатини хорижий тадбиркорлардан қолишмайдиган даражада ишлаб чиқишимизни инвесторларга кўрсата олишимиз керак.

Тузиладиган бизнес-режанинг ҳажми корхона бажарадиган иш фаолиятига боғлиқ бўлади. Бизнес-режани ишлаб чиқишда ташқи маслаҳатчилардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Маҳсулот ҳажмини ўрганишда солиштирма, улгуржи баҳоларда ҳамда жорий йилнинг амалдаги баҳоларида аниқланган маълумотлар таҳлил қилинади. Динамикасини аниқлаш учун ҳисбот даврида ишлаб чиқарилган ҳақиқий маҳсулот ҳажми ўтган йиллардагиси билан таққосланиб, кўрсаткичларнинг ўзгариши мутлақ ва нисбий (фоиз) кўрсаткичларда аниқланиши лозим. Бундай таҳлил қилишда таққосланувчи кўрсаткичлар бир хил баҳоларда ҳисобланган, яъни таққосланувчи талабга келтирилгани мақсадга мувофиқдир. Сабаби, аниқланган ўзгариш ва фарқларда баҳо омилининг таъсири бўлмасдан фақат миқдорий ўсиш ёки камайишлар аниқ ҳолати кўрингани таҳлилнинг таъсирчанлигини орттиради.

#### **7-жадвал**

#### **Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари таҳлили (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	2008й	2009й.		Фарқи (+,-)	
		Бизнес режа бўйича	Ҳақи- қатда	Ўтган йилга нисбатан	Бизнес режага нисбатан
1	2	3	4	5	6
<b>Ялпи маҳсулот:</b>					
• амалдаги баҳода	46356522	67652332	71654233	+25297711	+4001901
• солиштирма баҳода	48796338	52311456	51366588	+2570250	-944868
<b>Товар маҳсулоти:</b>					
• амалдаги баҳода	45855632	66058420	70428340	+24572708	+4369920
• солиштирма баҳода	48033380	49451644	50813274	+2779894	+1361630
<b>Сотилган маҳсулот:</b>					
• амалдаги баҳода	45899408	66058420	70253438	+24354030	+ 4195018
• шартномавий баҳода	48152216	49451644	50687084	+ 2534868	+1235440

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган «Кувасойцемент» акционерлик жамиятида жорий даврда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан солиштирма баҳо бўйича 2570250 минг сўмга кўпайган бўлса, бизнес режага нисбатан эса 944868 минг сўмга камайган. Амалдаги баҳолар бўйича ялпи маҳсулот ҳажми эса ўтган йилга нисбатан 25297711 минг сўмга кўпайган бўлса, бизнес режага нисбатан эса 4001901 минг сўмга кўпайган. Бу шундан далолат берадики, жорий йилда ўтган йилларга нисбатан маҳсулотлар баҳосининг ўсиши ҳам кузатилган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотларнинг аксарияти сотишга мўлжалланган, яъни товар сифатига эга бўлган. Акционерлик жамиятида ўтган йили товар маҳсулотларининг

ҳаммаси олдинги йилдаги қолдиқни ҳам қўшиб сотиб юборилган. Бу ортиқ сотилган маҳсулот миқдори амалдаги баҳолар бўйича ўтган йили 43776 минг сўмни (45855632-45899408) ташкил этган.

Ҳисобот йили маълумотларига эътибор қиласиган бўлсак, ишлаб чиқарилган товар маҳсулот билан сотилган маҳсулотлар ҳажми амалдаги баҳолар бўйича тенг бўлган. Бу шундан далолат берадики, акционерлик жамиятида жорий йилда барча товар маҳсулотни сотишга муваффақ бўлинган. Бу эса корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари бўйича яхши натижаларга эришганлигидан далолатdir. Бундан ташқари корхонада жорий йилида ўтган йили ва бизнес режага нисбатан бир қадар кўп маҳсулот реализация қилинган. Масалан, амалдаги баҳолар бўйича корхона жорий йилда ўтган йилга нисбатан 24354030 минг сўмлик кўп маҳсулот сотилишига эришилган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Маҳсулот ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари бир хил солиштирма улгуржи баҳода аниқланади. Амалдаги улгуржи баҳода ифодаланган маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳодагиси билан таққослаш орқали баҳонинг ўзгаришини маҳсулот миқдорига таъсири аниқланади.

## 8-жадвал

### **Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	2008й	2009й		Фарқи (+,-)				
		Бизнес режа бўйича	Ҳақи- катда	Режадан	Ўтган йилдан	Мут лақ, минг сўм	Нисб ий, %	Мут лақ, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8	
Маҳсулот ҳажми улгуржи баҳоларда, минг сўмда:								
• солиштирма улгуржи баҳода	48796338	52311456	51366588	-944868	-1.8	+2570250	+5.2	
• амалдаги улгуржи баҳода	46356522	67652332	71654233	+4001901	+5.9	+25297711	+54	

«Кувасойцемент» акционерлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш режасини амалдаги улгуржи баҳолар бўйича ортиғи билан адо этган, солиштирма баҳолар бўйича режа бажарилмаган. Маълумотлардан кўринадики акционерлик жамиятида ҳисобот йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма улгуржи баҳо бўйича ўтган йилга нисбатан 2570250минг сўмга кўпайган ҳолда, бизнес режага нисбатан эса 944868 минг сўмга камайган. Амалдаги улгуржи баҳолар бўйича эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 25297711 минг сўмга ёки 54 фоизга, бизнес режага нисбатан эса 4001901минг сўмга ёки 5.9 фоизга ўсган. Бундай натижалар шундан далолат берадики, маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳоси билан амалдаги баҳоси ўртасидаги фарқ баҳо ўзгаришининг маҳсулот ҳажмига таъсирини акс эттиради. Бундан кўринадики, корхонада жорий йилда товарлар баҳосида ўсиш кузатилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бизнес режасининг бажарилиши ва унинг динамикаси миқдорий (дона, кг, тонна) ўлчамларда аниқланиб, таҳлил этилади. Бундай таҳлил миқдор ўлчамидаги маълумотларни ўргансада, аниқ ҳолатни ва мавжуд имкониятни батафсилроқ акс эттиради. Сабаби, фирма қанча турдаги ва миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, фақат ҳақиқатда эришилган натижаларгина ўрганилади. Таҳлил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртacha йиллик ўсиш даражасини аниклаш лозим.

## 2.5. Маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши истеъмолчилар билан аввалдан тузилган шартномалардаги талаблар миқдорига боғлиқ. Корхона маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бизнес режадаги кўрсаткичини фақат қиймат ҳажмда бажарибгина қолмасдан, балки ҳар бир товарлар бўйича белгиланган номенкулатура ва ассортиментларда ҳам бажариши талаб этилади. Маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш бизнес режасининг бажарилиши барча соҳаларнинг турли тармоқларининг мутаносиб ривожланишига, истеъмолчининг маҳсулотлар (иш, хизмат)га бўлган талабини тўлароқ қондирибгина қолмасдан, бозорнинг мўл-кўллигини таъминлайди.

Маҳсулот, иш ва хизматларнинг тури ва ассортименти таҳлилида уларнинг сегментлар бўйича таққосланадиган ва таққосланмайдиган, профиддаги ва профидда бўлмаган турлари, асосий ва қўшимча маҳсулотлар турлари бўйича туркumlаниши ўрганилади, Улар бўйича режа топширикларининг бажарилиши, умумий режа топширикларининг бажарилишида уларнинг таъсири, маҳсулотлар тузилишидаги таркибий ўзгаришларга баҳо берилади.

Маҳсулотлар номенкулатураси — деб, миқдор ҳолида товарлар гуруҳлари, кичик гуруҳлари ва позицияларини белгилашда ҳамда ҳисобга олишда қабул қилинган рўйхатидир.

Товар (иш, хизмат)лар ассортименти — эса, маҳсулотларнинг маълум бир белгиларига қараб, яъни, унинг турлари, нави, ўлчами, маркаси, артикулларига қараб ажратиладиган маҳсулотлар хилидир.

Товарлар номенклатураси ва ассортиментини ўрганишда ўртacha ассортимент режасининг бажарилиши таҳлил этилади.

Фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлил этишда ўртacha ассортимент режасининг бажарилишини ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўртacha ассортимент режасининг бажарилиши одатда энг кичик рақамларни жамлаш усули оркали амалга оширилади. Бунда ҳар бир ассортимент турларини ҳақиқатда ишлаб чиқарилиш миқдорлари бизнес режаси билан солиштирилиб ҳар икки кўрсаткичдан энг кичиги ассортимент ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига қабул қилинади. Ассортимент ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига қабул қилинган кўрсаткичларнинг жамини бизнес-режа бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотларга бўлиш оркали ўртacha ассортимент режасининг бажарилиши аниқланади.

**9- жадвал**

**Махсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили**

Махсулот турлари баҳоси , минг сўм	Махсулот бирлиги нинг	Ишлаб чиқарилган махсулот натура шаклида, тонна	Ишлаб чиқарилган махсулот қиймат шаклида, (минг сум)		Ассортимент хисобига ишлаб чиқарилга н махсулот	
			Бизнес режада	Ҳақиқатда		
Цемент	61	89200 0	948042	54412000	5783056 2	54412000
Оҳак	54	43000	36168	2354124	1953072	1953072
Гипс	50.1	20000	14818	1003238	742382	742382
Шифер	60.9	16201 6	182729	9882970	1112821 7	9882970
Жами	X	X	X	67652332	7165423 3	66990424

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган «Қувасойцемент» акционерлик жамиятида жорий хисобот даврида тўрт хил ассортиментдаги махсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, улардан Цемент ва Шифер ассортиментдаги махсулотларни натура ҳолатида ортиғи билан ишлаб чиқарилган. Колган икки хил ассортиментдаги махсулотларни ишлаб чиқариш режалари эса тўлиқ бажарилмаган. Натижада мазкур акционерлик жамиятида жорий йилда жами ассортимент хисобига 66990424 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўртача ассортимент режасининг бажарилиши 99.01 % ( $66990424 * 100 / 67652332$ ) ни ташкил этган. Ўртача ассортимент режасининг бажарилмаслигига Гипс ва Оҳак турдаги махсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилмаслиги сабаб бўлган. Аммо, корхонада ўртача ассортимент режаси 100 % га бажарилмаган бўлсада, махсулот ишлаб чиқариш режаси 105 % ( $71654233 * 100 / 67652332$ ) га бажарилган, яъни режа ортиғи билан бажарилган. Корхона маъмурияти ассортимент режасининг бажарилмаслик сабабларини чуқур ўрганишлари ва ўз вақтида тегишли чораларни кўриши лозим бўлади.

Ассортимент режасининг бажарилмаслиги кўрсаткичи орқали хам ассортиментга баҳо бериш мумкин.

Бизнинг мисолимизда у қуидагиларни ташкил этган.

Оҳак (1953072-2354124) = -401052минг сўм

Гипс (742382-1003238) = -260856минг сўм

Жами  $661908$  минг сўм бажарилмаган  $661908 * 100 / 67652332 = 0.9$  % ассортимент режасининг бажарилмаслиги  $100 — 0.9 = 99.1$  % ўртача ассортимент режасининг бажарилиши.

Махсулот ишлаб чиқариш ассортиментининг ўзгариши хўжалик фаолияти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Махсулот ишлаб чиқариш ассортиментини шакллантиришда корхона биринчи навбатда, махсулотлар турига

бўлган талабни ҳамда бозордаги ҳолатини, иккинчидан эса, корхонада мавжуд бўлган маҳсулот, хомашё, техник-технологик, молиявий ва бошқа имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни эътиборга олиши зарур. Ассортиментни шакллантириш системаси қуидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олиши шарт:

- истеъмолчиларнинг истиқболли эҳтиёжини аниқлаш;
- чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиқ даражасини аниқлаш;
- маҳсулотнинг бозордаги ҳаётийлик циклини ўрганиш, ўз вақтида янги замонавий бўлган товарлар турини яратиш бўйича чоралар кўриш ва ишлаб чиқариш дастуридан маънавий эскирган ва иқтисодий жиҳатдан кам фойдали бўлган маҳсулотни чиқариб ташлаш;
- иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ассортименти ўзгаришида хавф-хатар даражасини баҳолаш.

## **2.6. Маҳсулотлар сотиши режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.**

Маҳсулот сотиши режасининг бажарилиши истеъмолчиларга жўнатилган товар қисмини ўрганишдан бошланади. Чунки жўнатилган товар билан сотилган маҳсулот вақт жиҳатдан фарқланади. Истеъмолчиларга жўнатилган товар, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган муддат давомида ҳисоб-счётига пулни келиб тушмаслиги туфайли корхонанинг молиявий ҳолати издан чиқади. Бунинг натижасида корхонанинг бюджет, банк, мол етказиб берувчиларга бўлган қарзи ортиб боради, тўлов қобилияти пасаяди. Бугунги кунда товарлар учун тўлов муддати 3 ой, яъни 90 календар куни қилиб белгиланган. З ойдан ошган қарзларнинг муддати ўтган қарз деб аталади. Муддати ўтган қарзларни сурункали давом этиши банкротликка сабаб бўлади.

Банкротлик (иқтисодий ноҷорлик) — хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси «банкротлик аломатлари» деб аталади. Бу моддада қуидагилар қайд этилган. Юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 9 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этади.

Жисмоний шахснинг (тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахснинг) пул маблағлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти уларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан 6 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятларнинг суммаси унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Қарздорнииг тўлов қобилиятини тиклаш учун қуидаги чора-тадбирларни қўллаш лозим:

- ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;
- дебиторлик қарзларни ундириш;
- қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш;
- қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;
- қарздор мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажарилиши;
- қарздорнинг тўлов мажбуриятини тиклашнинг бошқа усуллари.

Жўнатилган товарларнинг таҳлили учун маълумотлар тезкор ҳисоб ва дастлабки ҳужжатлар ҳамда ҳисоботдан олинади. Товарлар истеъмолчиларга тузилган шартнома асосида жўнатилади.

#### **10-жадвал**

#### **Маҳсулот сотиш режасининг умумий ҳажмда бажарилиши ва динамикасининг таҳлили (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	2008й	2009й		Ҳисобот йилиннинг ҳақиқиёси	
		Бизнес режада	Ҳақиқатда	Ўтган йилга нисбатан %	Режага нисбатан, %
1	2	3	4	5	6
Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	45899408	66058420	70253438	153	106

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган «Қувасойцемент» акционерлик жамиятида ўтган йили жами 45899408 минг сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, ҳисобот йилида бу кўрсаткич 70253438 минг сўмни ташкил қилган, яъни ўтган йилга нисбатан маҳсулот сотиш ҳажми 153 % ни ташкил этган. Корхона ҳисобот йилида бизнес режа бўйича ўтган йилга нисбатан анча кўп маҳсулот сотишни режалаштирган бўлиб, мазкур режа жорий йилда 106 % га бажарилган. Бундан кўринадики, корхона ўтган йилга нисбатан жорий йилда бир қадар кўп маҳсулот сотишни олдиндан таҳмин қилган, яъни маҳсулот сотиш ҳажмини ўтган йилга нисбатан бизнес режада 20159012 минг сўмга кўп қилиб белгилаган ҳамда ушбу режа ортиғи билан адо этилган. Бундай натижалар корхонанинг молиявий ҳолати яхшиланиб ички ва ташқи бозорда ўз мавқеини топиб бораётганлигидан далолатdir.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш режасининг умумий ҳажмда бажарилиши таҳлилидан сўнг асосий маҳсулотнинг айрим турлари бўйича сотиш режасининг натура ва қиймат шаклларида бажарилиш муддатлари бўйича аниқланиши лозим бўлади. Биз жорий йилнинг 2-чораги учун маҳсулотларнинг айрим турларини сотиш режасиннинг натура шаклида бажарилишини таҳлил қиласиз ( 11-жадвал).

**11 - жадвал**

**Махсулотларнинг айрим турларини сотиш режасининг натура шаклида бажарилиши (тонна хисобида)**

Махсулот турлари	Махсулот бирлигиниг баҳоси, минг сўм	Апрел		Май		июн	
		Режа	Ҳақиқат да	Режа	Ҳақиқат да	Режа	Ҳақиқатда
Цемент	61	215000	222000	165000	172000	102000	97292
Охак	54	3500	3550	3500	3650	3700	2940
Гипс	50.1	1600	1650	1600	16200	1600	856
Шифер	60.9	12360	13550	15000	16500	17336	15190

Жадвал маълумотларидан қўринадики, таҳлил қилинаётган корхонада жорий йилнинг иккинчи чорагида сотиши режалаштирилган цемент махсулоти бўйича апрел ойида режадаги 215000 тонна ўрнига ҳақиқатда 222000 тоннани, майда режадаги 165000 тонна ўрнига ҳақиқатда 172000 тоннани, июнда эса режадаги 102000 тонна ўрнига 97292 тоннани ташкил этган. Яъни цемент махсулоти бўйича сотиши режаси дастлабки икки ой бўйича ортиғи билан адо этилган, лекин охирги ойда бажарилмаган. Охак махсулоти бўйича сотиши режаси биринчи иккинчи ойларда ошираб бажарилган ҳолда июн ойида режа бажарилмаган. Ҳудди шундай ҳолат гипс ва шифер махсулотлари учун ҳам тааллуқли. Демак, корхона маъмурияти охирги ойда махсулотларини кам сотилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаши ва тегишли чоралар қўриши лозим бўлади.

Жадвалда келтирилган натура шаклидаги махсулотларни унинг баҳосига кўпайтириш орқали сотиши ҳажмини қиймат қўринишида ифодалаймиз ва режанинг бажарилишини аниқлаймиз ( 12-жадвал).

**12- жадвал**

**«Кувасойцемент» ОАЖда асосий махсулот сотиш режасининг қиймат шаклида бажарилишининг таҳлили(минг сўм)**

Махсулот турлари	Бизнес режа бўйича		Ҳақиқатда	Бизнес режанинг бажарилиши %
<b>Цемент</b>				
Апрел	13115000	13542000		103
Май	10065000	10492000		104.2
Июн	6222000	5934812		95.4
Жами	29402000	29968812		101.9
<b>Охак</b>				
Апрел	189000	191700		101.4
Май	189000	197100		104.3
Июн	199800	158760		79.46

Жами	577800	547560	94.76
<b>Гипс</b>			
Апрел	80160	82665	103.1
Май	80160	81162	101.25
Июн	80160	42885,6	53.5
Жами	240480	206712	85.95
<b>Шифер</b>			
Апрел	752724	825195	109.62
Май	913500	1004850	110
Июн	1055762,4	925071	87.62
Жами	2721986,4	2755115	101.21
Ҳаммаси	32942266	33478199	101.62
<b>Шужумладан:</b>			
Апрел	14136884	14641560	103.56
Май	11247660	11775112	104.68
Июн	7557722	7061528	93.43

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида «Қувасойцемент» акционерлик жамиятининг иккинчи чорак мобайнида маҳсулот сотиш режаларининг натура ва қиймат ифодаларида бажарилишига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан қўринадики, корхонада цемент маҳсулотини сотиш режаси чорак давомида жами 101.9% га бажарилган Цемент маҳсулотини сотиш бўйича режанинг бажарилиши апрел ойда 103% ни, майда 104.2% ни, учинчи ойда эса 95.4% ни ташкил этган. Бундан қўринадики, цемент маҳсулотига бўлган бозор талаби юқори бўлиб, яъни ушбу маҳсулот корхона учун юқори рентабелли маҳсулот ҳисобланар экан. Охак маҳсулоти сотиш бўйича 2-чорак режаси жами 94,76% га адо этилган, сотиш режаси 1-ойда 101.4% ни, 2-ойда 104.3% ни ташкил этгани ҳолда, 3-ойда эса сотиш режаси 79.46% га бажарилган. Демак, ушбу маҳсулот турига бозордаги талаб пасайиб бораётганлиги ёки ишлаб чиқариш жараёнидаги узилишлар брлигидан далолат беради. Корхона маъмурияти ушбу маҳсулотнинг тобора камроқ сотилиш сабабларини аниқлаши ва тегишли чоралар қўриши лозим бўлади. Корхонада гипсни сотишида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Июн ойида гипс маҳсулотини сотиш режаси 53.5% ни ташкил этган, яъни белгиланган режа 46.5% га бажарилмаган.

Шифер маҳсулотини сотиш режаси чорак давомида жами 101.21% га бажарилган, лекин учинчи ойда эса 87.62% ни ташкил этган.

Бундан қўринадики, ушбу маҳсулотга бўлган бозордаги талаб борган сари тушиб бормоқда ёки ишлаб чиқариш хажми шу ойда камайган. Корхона маъмурияти эса маҳсулотларга бўлган истеъмолчиларнинг талабларини янада пухтароқ ўрганиши ҳамда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш чораларини топиши лозим бўлади.

Умуман олганда корхонада йил мобайнида барча турдаги маҳсулот сотиш режалари умумий тартибида тўлиқ бажарилган. Бу албатта яхши натижадир. Фақатгина, корхона маҳсулот сотиш ҳажмларига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш чораларини қўриши даркор. Мазкур жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхона маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатиш

режасини йил давомида 101.62%га бажарган. Белгиланган ассортиментда режа бажарилган. Маҳсулот жўнатиш режасини бундай тарзда бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳаракат қилаётганлигидан далолатdir. Тахлил давомида маҳсулот етказиб берилмаган истеъмолчилар аниқланади ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланади.

Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун товар балансини тузамиз. Товар баланси кўрсаткичлари тайёр маҳсулот харакати номли маълумотномадан олинади. Бу ҳисобот шаклида тайёр маҳсулотнинг йил бошига, йил охирига бўлган қолдиғи, ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳамда сотилган маҳсулот улгуржи баҳода ва ишлаб чиқариш таннархида ифодаланган. Тахлилда маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш режасининг бажарилиши ва динамикаси, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни қуидаги жадвал мисолида кўришимиз мумкин:

### 13-жадвал

#### **«Кувасойцемент» акционерлик жамиятида маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	Шартли белги	2009 йил		Фарқи (-,+)	Сотиш ҳажмига таъсири
		Бизнес режада	Ҳақиқатда		
1. Тайёр маҳсулот йил бошига қолдиғи	Йб	-	448969	+448969	+448969
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти	Т	66058420	70428340	+4369920	+4369920
Жами (1 сатр+2 сатр)	X	66058420	70877309	+4818889	+4818889
3. Сотилган маҳсулот	Ст	66058420	70253438	+4195018	X
4. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи	Йо	-	623871	+623871	-623871
Жами (3 сатр+ +4 сатр)	X	66058420	70877309	+4818889	-623871

Маҳсулот сотиш ҳажми 70253438 минг сўмни ташкил этиб режага нисбатан 4195018 минг сўмга ортган. Сотиш ҳажмига қуидаги омиллар таъсир этган.

Ст=Йб+Т-Йо

1. Тайёр маҳсулотнинг йил бошига бўлган қолдиғининг ўзгариши.
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти.
3. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига бўлган қоддиғининг ўзгариши.

Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллардан иккитаси, яъни тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи (Йб) ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (Т) режага нисбатан ўзгариши бевосита ва билвосита таъсир этади. Бу кўрсаткичларнинг (Йб,Т) ортиши сотиш ҳажмининг ҳам ортишига, режага нисбатан камайишига олиб келади.

Йил охиридаги (Йо) тайёр маҳсулот сотиш ҳажмига тескари таъсир этади, ортиши сотиш ҳажмининг камайишига, камайиши сотиш ҳажмининг ортишига

олиб келади.

1. Йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдигининг режага нисбатан 448969 минг сўмга ортиши туфайли сотилган маҳсулот шу суммага кўпайди. Бу омилнинг хиссаси 0.6 % ( $448969 \times 100 : 70253438$ ) ни ташкил этади.

2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг режаси 106% га бажарилган, яъни режанинг 6 % га ортиғи билан бажарилиши туфайли маҳсулот ҳажми 4369920 минг сўмга ортган. Шу суммага сотилган маҳсулот ҳажми ҳам кўпайган.

3. Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиги режада кўзда тутилмаган, лекин ҳақиқатда 623871 минг сўмлик тайёр маҳсулот қолдиги пайдо бўлган. Бу фоиз хисобида 0.8 % ( $623871 \times 100 : 70253438$ ) ни ташкил этади.

Йил охиридаги қолдиқнинг пайдо бўлиши туфайли реализация ҳажми 623871 минг сўмга камайган.

Омиллар таъсирининг натижаларини қўйидаги жадвалда умумлаштирамиз.

#### 14-жадвал

##### Омиллар таъсирининг натижалари

Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўмда	Режага нисбатан % хисобида
1	2	3
1. Тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдигининг ортиши ҳисобига	+448969	+0.63
2. Товар маҳсулоти режасининг ортиғи билан бажарилиши ҳисобига	+4369920	+ 6.61
3. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдигининг кўпайиши ҳисобига	-623871	-0.94
Жами	+ 4195018	+6.3

#### 12-мавзу. Ишлаб чиқариш корхоналарида баҳо ва баҳолаш

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз товарига таннарх белгилайди. Аммо, баҳони бозор, яъни истеъмолчи беради. Табиийки, баҳонинг паст бўлиши сотувчи учун салбий, харидор учун эса аксинча фойдалидир. Мамлакатимизда айrim турдаги товар ва хизматларнинг баҳолари тартибга солиб турилади ва назорат қилинади. Айнан шу товарлар инсон учун бирламчи товарлар деб юритилади.

##### 1-топшириқ. Баҳо, нарх ва таннарх нима?

---

---

---

##### 2-топшириқ. Нарх қандай шаклланади?

---

---

---

##### 3-топшириқ. Баҳо ва қиймат ўртасидаги фарқ?

---

---

---

---

## **13-мавзу: Корхона фаолиятини харажатлари, даромади ва рентабеллиги**

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини амалга оширишади. Харажат – фойда кўришнинг асосий шартидир. Тадбиркор фойда бермайдиган ишга харажат қилмайди. Бу аксиома.

Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоқقا эга. Улар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиш – ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқаришнинг асосий омилларидан бири хисобланади. Шу сабабдан ҳам тадбиркорлар ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни ташкил қилишмайди.

### **13.1. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти харажатлари (4 соатга мўлжаллаштирилган)**

Харажатларнинг ички ва ташқи харажатларга ажратилиши корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўлларини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш харажатларига, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тайёр ҳолатда сақлаб туриш капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб ускуналарга қараш ва эксплуатация қилиш учун сарфланувчи барча харажатлар киради.

1. Корхона бўйича қуйидаги маълумотларга эгамиз:

1) Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш — 500 дона.

2) Бир бирлик маҳсулот нархи — 200 сўм.

3) Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот учун қилинган харажатлар(сўм):

Хом ашё	3600
Ёрдамчи материаллар	300
Ёқилғи ва энергия	24000
Иш ҳақи	15000
Ижтимоий ажратмалар	5700
Умушилаб чиқариш сарфлари	7400
Умумхўжалик сарфлари	3000
Тижорат сарфлари	3600
Жами	95000

2. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида корхона харажатларининг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасини таҳлил қилинг.

Харажат гурӯхлари	Ўтган йили		Ҳисобот йили	
	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи,%	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи,%
1.Моддий харажатлар	2004422		2987750	

2. Мехнат харажатлари	240321		312444	
3. Ижтимоий суғурта ажратмалари				
4. Амортизация ажратмалари	4569		7312	
5.Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	98454		101233	
Жами ишлаб чиқариш харажатлари				

Куйидагилар талаб қилинади:

- 1.Зарарсизлик графигини тузинг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори чегарасини (критический) аниқлаш.
2. Бир бирлик маҳсулот нархи 220 сўмгача кўтарилиган ва хом ашё сарфи 10 фоизга ошган тақдирда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг юқори чегараси (критический) қанча бўлишини ҳисоблаш.
3. Корхона фойдасини 5млн сўмга етказиш учун қанча маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобланг.

### **КЕЙС СТАДИ**

#### **(талабалар томонидан ўзлари истаган корхонанинг муаммоли таҳлили бажарилади. Уйга вазифа)**

##### **1. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги...**

- а)маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, маълум маънавий қимматларни яратиш;
- б)савдо-воситачилик соҳасидаги тадбиркорлик;
- в)банк соҳасидаги тадбиркорлик;
- г)қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш.

##### **2. Бозор нархи — бу...**

- а) товарларга бўлган талаб ва таклифлар натижасида аниқланган нархлар;
- б) чакана савдода сотилаётган товарларнинг нархлари;
- в) товарларнинг олди соттисига қадар сотувчи ва харидор ўртасида келишилган нарх;
- г) улгуржи савдода сотилаётган оварларнинг нархи.

##### **3. Бозорда бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш — бу...**

- а) “кўринмас қўл”;
- б) ишлаб чиқарилаётган товарлар таннархининг камайиши;
- в) муаллифлик хукуки;
- г) рақобат.

##### **4.Корхонанинг рақобатлашуви нима?**

- а) бошқа корхоналар билан иқтисодий кураши;
- б) корхоналарнинг ўз хуқуқларини талаб қилиши;
- в) корхоналар ўртасида маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқариш бўйича тортишуви ва кураши;
- г) корхонани маҳсулотига талабгор қўпайиши борасидаги натижалар.

##### **5. Корхона маҳсулотига талаб қачон кўпаяди?**

- а) корхона яхши хизмат кўрсатса;
- б) корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқарса;
- в) корхона маҳсулотининг таннархи пасайса;
- г) корхона яхши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарса ва маҳсулотнинг таннархи пасайса.

##### **6. Корхона маҳсулотига қачон талаб пасайди?**

- а) корхона сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарса;

- б) корхона хизмати қониқарсиз бўлса;
- в) корхона бошқарув тизими оқилона ташкил этилмаса;
- г) корхонада кадрлар қўнимсизлиги юзага келса.

**7. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти нимада намоён бўлади?**

- а) маҳсулот ва хизматларда;
- б) рекламада;
- в) сотувда;
- г) ишлаб чиқаришда.

**8. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усуллари:**

- а) оқимли, доналаб
- б) партияли, оқимли, доналаб ишлаб чиқариш
- в) улгуржи, чакана
- г) партияли, оқимли

**5. Доимий харажатлар – бу...**

- а) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлик булмаган харажатлар;
- б) хом ашё ва материалларни сотиб олишга кетган харажатлар;
- в) биноларнинг ижраси учун кетган харажатлар;
- г) давлат эҳтиёжлари учун харажатлар.

**6. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қўйидагилардан иборат..**

- а) пул формасида ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация килиш учун сарфланган харажатлардан
